Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 20 август | 33 (62)- сон

Истиқлол юрагингизга нима олиб кирди? Шунга жавоб бера оласизми? Мен баъзан атрофимда шундай одамларни ҳам кўраманки, улар ўзларини дунёда ҳеч нарса ўзгармагандай тутадилар. Кечаги усти ёруғ ичи зулмат кунларда қандай истиқомат қилган бўлсалар, ҳозир ҳам, истиқлолдан тўла ва ҳатто ҳаддан ортиқ бахраманд бўла туриб ҳам, ўшандай яшашда давом этадилар. Буни қандай тушунмоқ керак? Шахсан мен ўзим шуни англаб олишни истардим. Чунки истиқлол менга жуда қадрли...

Редаксияга келган хатдан

ЮРАГИМИЗНИНГ ҲАРОРАТИ

Очиғини айтсам, ўқувчим, сизнинг истиқлол юрагингизга нима олиб кирди? — деган саволингиз жуда ёқди.

Сиз ахир ҳаётингизга нима олиб кирди? Ҳонадонингизга нима олиб кирди? Маишатингизга, яъни турмушингизга нима олиб кирди? — деб сўрашингиз ҳам мумкин эди-ку, деб ўйладим. Ахир қайси даврада бўлманг, шунга ўхшаш ва яқин саволлар ва ҳатто истиқлол бизга нима берди? — деган жуда-жуда кўп такрорланадиган савол ўртага тушиб туради. Эҳтимол бу ажабланарли нарса эмасдир.

Қайтанга, хусусан, бундай саволлар берилаётганда хурсанд бўламан. Чунки бу саволлар ўйсизлик асри ва ўйсизлик дунёси тугаётганлиги, соғиниб эслаш қийин бўлган ўтмишда қолиб кетаётганлиги, эндиликда аксинча, ўйхаёл, ўйловлар замони бошланганлиги ва бу ўйловларга аввал бошдан истиқлол — бизнинг шунчалар орзулаб етишганимиз мустақиллик сабаб бўлаётганлигини англаш қийин эмас.

Рене Декарт бўлса керак, ўша машҳур гапни айтган: мен ўйлаяпман, демак, мен яшаяпман. Тўғрироғи, мен фикрлаяпманми, демак мен яшаётган эканман... Мен фикр қиляпман, демак, борман...

Мустақиллик — истиқлол — бизга аввало фикр берди.

Бугун энг оддий одамлар ҳам айни худди шу нарса устида, яъни истиқлолнинг нималиги, унинг табиати, унинг моҳияти, унинг аҳамияти устида фикрлаётганлари сир эмас.

Декартнинг ҳикмати миллий истиқлолнинг сиёсий, иқтисодий, маданий шароити ҳамда муҳитида янада аҳамиятлироқ бир маъно касб этади.

Чунки истиқлолнинг табиатида фикр бор ва яна ҳам тўғрироғи, фикрлашга чорлаш бор. Яна ҳам тўғрироғи, истиқлолда фикр илҳоми бор. У фикрни қўзғайди ва онгни қамраб олади.

Жуда осони. Кечаги кунларни шундай кўз ўнгидан ўтказиш балки кифоя қилади. Сизнинг ўйлаб ўтиришингиз шарт эмас эди. Сиз учун ўйлайдиганлар синфи, тоифаси мавжуд эди. Сиз учун собиқ партия ва унинг бутун даҳшатли зўравонлик аппарати ва унинг зўравон, усти ялтироқ, ичи бари заҳарли нишлардан иборат мафкураси ўйлар эди. Сизга ўйлашга имкон бермасди. Ҳар соатда бир қарор чиқарар ва сизнинг умрингиз шу қарорларни ўзлаштириш ва бажариш учунгина сарф бўлар эди. Сиз тўлиқ маънода ижрочи эдингиз. Сизни фақат ижрочи қилиб ўстирар, тарбиялар, ўқитар эдилар. Собиқ партия ақлнинг, миянинг маркази, бошқа қолган ҳамма унинг ижрочилари эдилар.

Сиз ўйламас эдингиз. Ўйлаб ўтирмас эдингиз. Ўйлаганингизда ҳам бунинг фойдаси йўқ эди. Қайтанга ўйлайверсангиз, бу сизга тўғридан тўғри зиён етказарди. Сизнинг ўйлаётганингиз ошкор бўлиб қолса ва сиз ўйлаётганингизни маълум қилишга ботинсангиз, дарҳол сизни яшатмаслик чораларини кўрар эдилар. Шунинг учун ўрислар ичида бошингни кўтарма ёки бошингни юриб кетаётган вагондан ташқарига чиқарма, деган доно бир гап жуда кенг тарқаб кетган ва ўша даврнинг яшаш қоидаси-қонунига айланган эди. Андак бошқача фикрлай бошласангиз ёки қарор ҳақида бошқача мулоҳаза билдира бошласангиз, ўша заҳоти ёнингиздаги ўта тажрибакор одамлар: барака топкур, тўхта, бошингни чиқарма! — деб сизни қайтаришарди.

Лекин одам ўйламай туролмас экан. Худо одамни ўй эгаси, ўйчи зот қилиб бино қилган экан.

Ўйлама, бошингни чиқарма, деганига қарамасдан одамлар ўйлашда давом этдилар. Ва Берлиннинг машъум девори қулади. Одамлар ўйлашдан бир зум тўхтамадилар. Ва қизил салтанат ич-ичидан емирилиб кетди. Одамлар ўйлашда давом этдилар. Ва бугун дунё бутунлай ўзгарди. У зўравонликлар дунёсидан ҳамкорликлар дунёсига айланиб бормоқда. Ўйлашлардан турли адолатсизликлар барбод бўлмоқда ва ўйлашдан жаҳонда янги хайрли йўллар яралмоқда.

Декартнинг замони энди келганга ўхшайди.

Сизнинг саволингизга қайтсак. Атрофингизга қарасангиз, сиз эса атрофингизга ўй билан қарайдиган одамга ўхшайсиз, — атрофингизга қарасангиз, мустақиллик миллий ҳаётимизга нималар берганлигини дарҳол аён кўрасиз. Ҳамма нарса қурилмоқда, бино бўлмоқда, яралмоқда. Миллий тикланиш бу — миллий қурилиш экан.

Умум Ўзбекистон бугун — яхлит бир қурилиш. Ўтган замонларда ҳам қурилишлар бўлган. Лекин бугунги қурилишларнинг моҳияти ҳам, сифати ҳам, йўналиши ҳам тамомила бошқача. Улар миллий мустақил ҳаётнинг тинч қурилишларидир. Кечаги бир тусдаги казармага монанд бинолар ўрнида жозибадор, миллий ўзига хос, Ўзбекистоннинг Ўзбекистон эканлигини намоён этадиган, мамлакатимизга дунёнинг илғор давлатлари қаторида ҳам алоҳида бир қиёфа бағишлайдиган, узоқ келажак талабларига ҳам жавоб берадиган қурилишлардир. Бу қурилишларнинг ҳар бир ғишти, ҳар бир кошинида истиқлол руҳи барқ уриб турибди. Бир сўз билан айтганда, миллий ўйлар миллий қурилишларга айланмоқда.

Буларни энди ўзбек қурди, ўзбек истиқлоли яратди, кўтарди, бино қилди, деса ярашади ва бунда ҳеч бир муболаға йўқ.

Бу қурилишларнинг моҳияти нимада?

Уларнинг моҳияти — ер бағрилаб, тупроққа тенг бўлиб ётган Ўзбекистон бугун қаддини ростлаяпти. Қадим анъаналарини тиклаяпти. Қадриятларининг қадрига етишни ўрганяпти.

Президент улуғ бир фикрни айтди яқинда. Ўзбекистон топганини еб ётгани йўқ. Ўзбекистон топганига қуряпти. Топганини улуғ замонавий пойдеворларга сарфлаяпти. Беш-ўн йил ичида бу улуғ сиёсатнинг самаралари бутун халқнинг моддий, маънавий, руҳий ҳаётида ўз гўзал натижаларини тўла кўрсатажак. Чунки сармояни совуриш эмас, сармояни сармояларга улаш ва қўшиш қудрат ва салоҳият манбайидир. Бу истиқлол ўзбекники, Ўзбекистондаги барча халқларники. Ўзбек эса ҳеч қачон еб ётишга одатланган эмас. У доим сармояни авайлаган, сармояга сармоя қўшишни кўзлаган. Шунинг учун истиқлолни миллий қурилиш ва миллий тикланиш деб олсак, демак, у — ўзбекнинг ўз истиқлоли. Халқимиз шу истиқлол ичидагина яйрайди ва ўз бахт-иқболини топади.

Истиқлол нима берди? — деган савол мабодо қўйилар экан, назаримда унга энг одил ва теран жавоб мамлакат президентининг барча асарларида илмий, иқтисодий, сиёсий, фалсафий таҳлиллар орқали тўла айтилган. Уларда ҳаёт ва ўзбек истиқлолининг асослари ҳар томонлама баён этилган. Бу — эътироф этилган ҳақиқат.

Сизга сўзимнинг охирида яна шуни ёдингизга солиб ўтмоқчи эдимки, ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом фахрланиб айтар эканларки, мен Ануширвони одил замонида дунёга келганман деб. Фахрланишларининг боиси шунда эканки, Ануширвон даврида адолатсизликлар бўлмаган экан. Шунинг учун бу саховатли подшоҳ номи инсоният тарихига одил деган сифат билан кирган экан. Фахрланишларининг бошқа бир боиси адолат ҳукмрон замонда, одил замонда туғилганлар ҳамиша адолатсизликлардан йироқ бўлар эканлар. Адолатсизлик касали уларнинг вужудларига ўтирмас экан.

Мен истиқлолни адолат деб биламан. Миллат, халқ, мамлакат, давлат ва унинг келажаги учун энг буюк адолат. Ва шу истиқлол адолати замонида туғилганлар ва туғилаётганларга ҳаддан зиёд ҳавасим келади. Туғилаётганларгагина эмас, қайта туғилаётганларга ҳам ҳавасим келади.

Зуваласи адолат ичида бино бўлган одамлар — булар менинг ватандошларим, юртдошларим, келажак ва бугуннинг фахри дунёлари!

Истиқлол адолати сўзларни меҳрга қоради. Меҳрга қорилган сўзлардан эса юракка ҳарорат етади. Юракка кўр берадиган сўзлар эса энг яхши сўзлардир.

Истиқлол шундай сўз... шундай адолат... шундай ҳарорат...

МУҲАРРИР

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ



Умидлари кулади эрта,
Бахтиёрлик келади эрта,
Остонаси тўлади эрта
Гулга —
қизалоғи бор юртнинг.

Бешиклари тебранар эрта,
Қўшиқлари уйғонар эрта,
Эшиклари тўлғонар эрта,
Нурга —
қизалоғи бор юртнинг.

КУН ТАРТИБИДА:

АЁЛ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

Ўзбекистон Президенти давлат ва жамият қурилиши Академиясида бўлиб ўтган давра суҳбати мундарижаси бой ва сермазмун бўлди. Давра суҳбатнинг барча иштирокчилари муҳим бир хулосага келдилар: Республика президенти Ислом Каримовнинг «Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш» ҳақидаги тарихий фармони республика хотин-қизлар ҳаракатига янги йўналиш ва истиқбол йўлини очиб берди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзини ўнглаб, янгилаб, билим ва малакасини ошириб бораётган хотин-қизларнинг янги жамият қуришдаги ишлари кенг кўлам касб этаётгани қувончлидир. Тадбиркор ва ишбилармон аёлларнинг меҳнат ютуқлари, мулкдор хотин-қизлар сафининг кенгайиши жамият фаровонлигининг ўзига хос белгиларидир. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган 6 дастур орқали жойларда иш олиб бораётган хотин-қизлар қўмиталарининг ишларида сезиларли янгиликлар бўлмоқда, республикамиздаги демократик янгиланишда хотин-қизларнинг овози ёрқинроқ жаранглмоқда. Яқинда бир гуруҳ ўзбек ишбилармон аёллари Германияда бўлиб, дугоналари билан тажриба алмашишди. Ушбу хайрли иш ташаббускори Республика хотин-қизлар қўмитаси ва Конрад Аденауэр фондидир. Аслини олганда, қўмита бу нуфузли Фонд билан ҳамкорликда мана бир йилдан бери «Аёл ва жамият» семинарини ўтказмоқда. Бундай семинарлар Ўзбекистонда 14 бора, Қирғизистонда 3 марта ўтказилди. Фондннинг расмий вакили В. Шрайбер таъкидладики, аёлсиз демократик давлат қуриш мумкин эмас.

Республика Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Туломова Президентимизнинг машҳур Фармони самаралари, якун ва хулосалар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Меҳнат вазири муовини Р. Убайдуллаева республикада аёлларнинг меҳнат билан бандлиги сиёсати борасида сўз юритди.

Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида аёлнинг роли қандай?

Ўзбекистон хотин-қизларининг ижтимоий портрети қандай?

Миллий қадриятлар тикланишида аёлнинг иштироки қай даражада?

Бугунги замондош Аёлнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий билими қай даражада?

Аёлнинг кексаликдаги аҳвол-руҳияси нечук?

Хотин-қизларнинг қалбига, маънавий-маърифий дунёсига, бутун турмуш тарзига тааллуқли ушбу саволлар атрофида қизғин баҳс ва мунозаралар бўлди, янги ғоялар, янги семинарга мавзулар туғилди.

Давра суҳбати иштирокчилари Сайёра Рашидова, Наталя Кургановская, Замира Абдуллаева, Диловар Қобулова ҳамда Қирғизистон Меҳнат вазирлиги бўлим мудираси А. Оразалиеваларнинг қисқа суҳбатларида бугунги замонамиз хотин-қизларининг меҳнати, фаолияти, уни ўйлантираётган масалалар ўртага ташланди, ечимлари изланди бу муаммоларнинг.

Республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида бўлиб ўтган ушбу семинар билимларга билим қўшгани аён. Билими бор одам турли мураккабликлар, қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди, йўл излайди, ўзининг ички имкониятларини кашф этади. Зеро, бугуннинг талаби ҳам шу: ўзингни топ, ўзингни янгила, қалбинг қудуғини пармала, янги ҳаётий қувватларингни ишга сол.

Мен ҳам ушбу семинар-суҳбатда иштирок этиб, шундай хулосага келдим: замон ҳамкорликни, бир-бирига кўмаклашувни тақозо этаркан. Ёш мустақил давлатнинг мустаҳкамланиши, унинг дунёга кенгроқ томир ёйиши учун дўстона ҳамкорлик анъанаси сув ва ҳаводек зарур экан. Хотин-қизлар қўмитасининг Конрад Аденауэр Фонди билан ҳамкорлиги ҳам шундай эзгуликка хизмат қилаётир.

Ойдин ҲОЖИЕВА

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ЗЎРЛАР ТАН БЕРИШДИ

Атланта олимпиадаси тугаганига салкам 20 кун бўлди, аммо унинг якунлари ҳамон муҳокама, мунозараларга сабаб бўлмоқда. Чунки бу олимпиада тасодифларга бой бўлди.

Бразилия ва Аргентина футбол жамоалари дунёдаги энг зўр жамоалардан ҳисобланишади. Лекин олимпиадада бу зўрлардан ҳам зўрроқлар топилиб қолди. Яна ким денг, Африканинг марказида жойлашган Нигерия командаси. Улар ярим финалда Аргентинани, финалда эса бразилияликларни доғда қолдирди.

Иккинчи тасодиф дунё спортида етакчи ўринларни эгаллаб келган Англия спортчиларининг медалсиз қолиши бўлди. Англиялик спорт ишкибозлари яқинда бўлиб ўтган футбол бўйича Европа чемпионатида командалари ўз юртларида чемпион бўлоломаганида куюнгандилар, олимпиададаги омадсизлик дард устига чипқон бўлди.

Англия барча олимпиадалар қатнашчиси, Ўзбекистон эса бундай катта, нуфузли мусобақаларда алоҳида команда сифатида биринчи марта қатнашди. Қатнашдигина эмас, иккита медал ҳам олди. Бу жуда яхши натижа. Таққослаш учун куйидаги кўрсаткичларга эътибор беринг: олимпиадада 197 мамлакат вакиллари қатнашиб, ундан 119 мамлакат спортчилари юртларига бироита ҳам медал олмай қайтишди.

Спортчиларимиз ютуғи ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланди. Президентимиз Ислом Каримов Фармонига биноан олимпиада ўйинларида юксак натижалар кўрсатган бир гуруҳ спорт намояндалари мамлакатимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Ўйлайлик, бу мукофот спортчиларимизни янги ғалабаларга бошлайди.

ПУЛИНГИЗНИ САНДИҚДА САҚЛАМАНГ

Ишбилармонлар «Пулни пул туғади» деган иборани кўп ишлатишади. Чунки пул ҳаракатланиб, айланиб турсагина кўпаяди. Айниқса бугунги бозор иқтисоди шароитида пулни сандиққа солган одам ютқазади. Нарх-наво ҳар куни ўзгариб турибди. Пул эмиссияси, яъни одамларга берилган иш ҳақларининг банкларга қайтиши кўпгина вилоятларда қониқарли эмас. Сабаби қишлоқларда маданий-маиший хизмат турлари йўқ ҳисоби. Шунинг учун одамлар озиқ-овқатни ҳам бозордан олишни афзал кўрмоқда. Бозорчи эса пулни банкларда сақлашни ёқтирмайди.

Ўтган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада нақд пул маблағлари эмиссияси ва касса режаси белгиланган даражасининг 1996 йилнинг июл ойидаги бажарилиш якунлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Унга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, унинг ўринбосарлари Р. Файзуллаев, Р. Шоабдурахмонов нақд пул эмиссияси даражасини пасайтириш прогнозларини ошириб бажарганликлари учун лавозим маошларининг 30 фоизи миқдорида мукофотландилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси ва унинг ўринбосарлари, вилоятларнинг ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари бу ишни бажаролмаганликлари учун жарима тўладилар. Нима ҳам дердик, ҳар ким экканини ўради.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Инсонни ҳам, мамлакатни ҳам дунёга танитишда спортнинг роли катта. Бундан ташқари спорт соғлиқ, соғлом авлод дегани. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришгач республикамизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берила бошланди. Кўплаб стадионлар, теннис кортлари қурилди. Бу ишларнинг бошида Президентимиз Ислом Каримов турғани айниқса қувончли.

Ўтган ҳафта мамлакатимиз раҳбари «Пахтакор» марказий стадионини бориб кўрди. Бу ерда катта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Стадионда энди йилнинг ҳамма фаслида мусобақалар ўтказиш мумкин. Чунки майдон таги суньий йўл билан иситиладиган бўлди. Стадионнинг иккинчи трибунаси қурилиши ҳам давом этмоқда. Ҳуллас яқин ойларда «Пахтакор» стадиони дунёдаги энг замонавий стадионлар қаторидан ўрин олади.

Мамлакатимиз президенти ўша куни пойтахтимиз марказида қад ростлаган Олимпиада шон-шуҳрати музейини ҳам бориб кўрди.

«АКА»СИДАН АЖРАЛГАЧ...

Собиқ шўролар даврида Кубани биз озодлик ороли деб атардик. Лекин негадир кейинги пайтларда бу оролдаги «озодлик»дан одамлар безор бўла бошлади. Кубаликларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўшни давлатларга кетиб қолиши кундан-кунга одатий ҳолга айланиб бормоқда. Хўш, бунинг сабаблари нима? Нега одамлар «озодлик»дан қочмоқда?

Куба Америка Қўшма Штатларининг биқинида жойлашган. «Империализмнинг ашаддий душмани бўлган» собиқ шўролар давлати учун Куба биринчи навбатда муҳим стратегик ҳудуд сифатида керак эди.Шунинг учун ҳам унинг барча «эркалик»ларини кўтариб, бу оролни озиқ-овқат, кийим-кечак, қўйингки, инсон яшаши учун нима зарур бўлса ҳаммаси билан тўла таъминлаб турарди. Бугун ўша «ғамхўр» ака йўқ. Оролдагилар катта иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Халқнинг норозилиги кучайиб бормоқда. Бу ишлар айниқса, кечагина ўзининг етмиш ёшини нишонлаган Куба коммунистларининг отаси Фидел Кастрога катта зарба бўлди. Чунки у бундан салкам 40 йил бурун ҳокимият тепасига келганида ўзининг 70 ёшини коммунизмда кутиб олишига ишонган эди. Афсуски, коммунизм сароб экан. Шундами, у айни фароғатда яшайдиган пайтида мамлакатни бўҳрондан олиб чиқиш учун иқтисодий ислоҳотлар қилишга мажбур бўлмоқда.. Аммо бу ислоҳотлар унинг бундан буён ҳам мамлакат раҳбари бўлиб қолишига ёрдам бера олармикан? Бир нарса дейиш қийин, буни яқин келажак кўрсатади.

Б. ЭГАМҚУЛОВ

ҲИНДИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Яқинда Тошкентда Ҳиндистон маданий марказида Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 49 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатда Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Темур Гиёсов, Анвар Қосимов, Бахтиёр Турсунов, Озод Шоматов, Хонзарифа Бегизова сингари олим, ўқитувчилари ўзбек — ҳинд алоқаларининг турли муҳим соҳаларига бағишланган қизиқарли маърузалар қилдилар.

Проф. Т. Гиёсов ҳар иккала давлат орасидаги иқтисодий алоқаларга батафсил тўхталди. Савдо-сотиқ, саноат, техникавий ҳамкорликларнинг йўналишлари тилга олинди. Қўшма корхоналар тузиш, информатсиялар айирбошлаш, юқори технологияларни жорий этишда мамлакатларимиз олдида жуда катта имкониятлар очилаётгани мамнуният билан таъкидланди. Профессор Анвар Қосимов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқаро майдонда олиб бораётган оқил ҳамда вазмин, изчил сиёсати дунёда ва чунончи Жанубий Осиёда иқтисодий, сиёсий мувозанатларни сақлаб туришликда муҳим аҳамият қозонаётгани хусусида асосли далиллар билан тўлқинланиб гапирди. Профессор Озод Шоматов халқларимизнинг тарихий яқинлиги, маданий илдизларнинг муштараклиги, булар ўз навбатида бугунги ўзаро тенг фойдали ҳамкорликларга мустаҳкам пойдевор бўлаётгани хусусида сўзлади.

Давра суҳбатида, жумладан, қатор икки томонлама халқаро илмий дастурлар устида иш олиб бориш муҳимлиги кўрсатилди. «Ўзбекистонда қадимий буддий маданият тарихи», «Абурайҳон Беруний, Хоразмий ва ибн Сино ижодий меросларида ҳиндшунослик излари», «Ўрта аср Ҳиндистонида туркий адабий ва лексикографик анъаналар», «Улуғбек астрономия мактаби ва Ҳиндистон», «Амир Хисрав Деҳлавий ва ҳинд мусиқа мероси» сингари ўзаро қизиқарли мавзуларда илмий анжуманлар ўтказиш борасида фикрлар ўртага ташланди. Суҳбатда яна қатор ўзбек—ҳинд маданий иқтисодий алоқаларига доир ўрганишга лойиқ таклифлар билдирилди.

Суҳбатга ҳинд маданий маркази бошлиғи жаноб Б. К. Сингҳ якун ясади. Қимматли мулоҳазалар ва таклифлар учун миннатдорлик изҳор қилди.

КУЗАТУВЧИ

ФАЛСАФИЙ ГУРУНГ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг беш йиллигини катта кўтаринкилик билан байрам қилмоқда. Бундай шодиёна учун барча асослар бор. Биз мустақилликни эгаллаш ва мустаҳкамлашнинг энг оғир ва мураккаб қисмини муваффақиятли босиб ўтдик, десак ортиқча бўлмайди. Мустақил Ўзбекистон олдида яна-да порлоқ истиқболлар очилмоқда. Аммо, афсуслар ила қайд қилмоқ керакки, ана шу мустақиллик йўлига биз жуда кечикиб чиқдик. Ўтмишда қолоқ ва мустамлака бўлган Осиё, Африка ва Океаниядаги мамлакатлар аллақачон, Иккинчи жаҳон уруши арафасида, ёки шу уруш жараёнида, баъзилари эса урушдан сўнгги йилларда мустақилликни қўлга киритиб, бозор муносабатлари асосида иш кўра бошладилар. Уларнинг кўпчилиги бу борада катта ижобий ўзгаришларга эришдилар. Масалан, шулар қаторидан бир неча давлатлар ҳатто «Шарқ жаддажолари» деб атала бошладилар, чунки улар техника, технология ва фан ютуқларидан самарали ва оқилона фойдаланишда энг тараққий этган мамлакатларга тенглашиб, уларни жаҳон бозоридан аста-секин четга суришга қодир эканликларини намойиш қилмоқдалар. Биз эса, ўзбекистонликлар, шу йўлнинг бошланиш қисмида турибмиз.

Аммо, халқимиз айтганидек, ҳечидан кечи яхши. Биз мустақил давлатимиз ва бутун куч ва имкониятларимизни бозор иқтисоди муносабатларига суянган янги Ўзбекистонни яратишга қаратишимиз лозим. Бу масалани ҳал қилишда эса биз тарих сабоқларини синчиклаб ўрганишимиз ва шулар асосида ўз вазифаларимизни аниқлашимиз муқаррар.

Ҳозирги замон жаҳон ҳамжамияти икки юздан ошиқ мустақил давлатлардан ташкил топган. Қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, улар ўз моҳияти ва шакли билан миллий давлатлардир. Яъни улар ягона бир етакчи миллат асосида ташкил топган давлатлардир. Бу давлатлар биринчи навбатда ана шу етакчи миллатнинг ривожланиши, кўтарилиши, гуллаб яшнашига хизмат қиладилар. Ана шу сабабли ҳозирги замон жаҳон ҳамжамиятининг асосий устунларини ташкил қилувчи йирик ва илғор миллатлар пайдо бўлдилар ва тарих саҳнига чиқдилар. Давлатлар ана шундай миллий шакл ва моҳиятга энг бўлмаганларида эди, инсоният ўртамиёна халқлар ва қабилалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаверарди.

Илғор миллат шунинг учун ҳам илғор ҳисобланадики, у, жумладан, ўз ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа миллат ва элат вакилларини камситмайди, уларни демократик қоидаларга риоя қилиш асосида ўз атрофида жипслаштиради. Бу нарсага шунинг учун ҳам эътиборни жалб этмоқдамизки, кўпларимиз ўз миллатининг манфаатлари ва илғорлиги учун сайъ-ҳаракатлар қилишни ўз миллатини бошқа миллатлар вакилларига қарши қўйиш деб тушунадилар ва шу боисдан ўз миллатлари учун хизматдан ўзларини четга олишга интиладилар. Бундай тамойиллар, хатти-ҳаракатлар ва тушунчалар ҳамда эътиқодлар билан иччил кураш олиб боришга тўғри келади.

Ҳозирги замон моддий ва маънавий маданияти, жаҳон ҳамжамияти, биз яшаб турган, бизни ўраб турган сивилизатсия асосан XVI асрдан кейин ўтган беш юз йил давомида юзага келтирилди. Шу беш аср давомида яратилган янги моддий ва маънавий оламни миллатлар — инглизлар, французлар, олмонлар, италянлар, шведлар, норвеглар, хитойлар, туркийлар, руслар, украинлар, араблар, эронилар, ҳиндлар, испанлар, португаллар, японлар ва ўнлаб бошқа миллатлар ўз меҳнатлари ва ўз даҳолари билан қурдилар. Ва, айни вақтда, ана шу яратувчилик жараёнида улар ўзлари ҳозирги замон миллатлари сифатида ўсдилар, мустаҳкамландилар.

Демак, ҳозирги замон даражасидаги илғор ва мустақил давлат яратиш учун биз биринчи навбатда ўзбек миллатини кўтариш, ўстириш, ривожлантириш, уни ҳозирги замоннинг илғор миллатлари даражасига қандай қилиб олиб чиқиш тўғрисида ўйлашимиз, бош қотиришимиз лозим бўлади. Ўзбек миллати илғор бўлсагина, Ўзбекистон илғор давлат бўла олади. Албатта, табиийки, мен яна қайтараман, давлатимизда яшаб турган бошқа миллатлар вакиллари ҳам ўсиши, ривожланиши лозим. Бу бизнинг муқаддас бурчимиз ва жиддий вазифаларимиздан доимо бири бўлиб қолади. Аммо, ўзбек миллатининг илғорлиги масаласи вазифалар занжиридаги ҳал қилувчи халқадир. Бу масалани ҳал қилиш олдимизда турган энг оғир, қийин ва чигал муаммодир.

Шу тўғрида ўйлар экан, Президентимиз Ислом Каримов: «Масалани ҳал қилишнинг йўлларидан бири Амир Темур руҳи ва номини тиклашдир,» деди. Ахир, бу муқаддас замин аҳолисини билиб ташкил қилса ва юрт, эл, халқ эътиборини улуғ вазифалар ҳамда буюк ишларга йўналтирса, у тоғни уриб толқон қила оларкан-ку, дунёни ларзага келтирадиган ғалабаларга эришаркан-ку, жаҳонни асрлар ўзра ҳайратда қолдириб келаётган тарихий обидаларни ярата оларкан-ку! Ана шунинг учун биз тўла асос билан айта оламизки, Амир Темур бизнинг миллийлигимизнинг бешиги бошида турган инсондир.

Ҳозирги даврда бизнинг — ўзбекларнинг, энг катта ва жиддий камчилигимиз миллийлик, миллий онг, миллий ўз-ўзини англашнинг етишмаслигидир. Мустақиллик ўзича, бизнинг олдимиздаги муайян вазифалардан ўзилган ҳолда кўрилса, ҳеч нарса эмас. У сиёсий тушунча ва даъват, холос. Мустақиллик миллатимизнинг долзарб вазифалари билан боғланса, у бениҳоя аҳамият касб этади. Мустақиллик миллат олдида турган ва кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш, туб ўзгаришларни амалга ошириш воситасидир. Мустақилликнинг аҳамияти шундан иборатки, у миллатнинг кўтарилишига, у ўзини таниб ва англаб олишига, тарихан ташкил топган барқарор бирлик эканини тушуниб етишга, тил бирлиги, ҳудуд бирлиги, иқтисодий ҳаёт бирлиги ва руҳий ҳамда маданий бирлик каби асосий сифатларини яна-да мустаҳкамлашга кенг йўл очиб беради. Мустақиллик ана шу масалаларни зудлик билан ва кенг миқёсда ечишда миллат ҳеч ким ва ҳеч нарсага қарам ёки боғлиқ эмаслигини, бу ниҳоятда муҳим масалаларни ўз хоҳиши, ўз манфаати, ўз ақл-заковати асосида таҳлил этиб, ҳал қилади, деганидир.

Ҳозирги замоннинг илғор миллатлари ана шу йўлдан боргонлар ва бормоқдалар. Масалан, рус миллатининг биз билган тарихи мустақил ва бақувват миллий давлат қуриш тарихидир. Улуғ Британия, Франсия, Олмония, Италия каби давлатларнинг тарихи худди шундай тарзда кечганини кўрамиз. Бизнинг миллат сифатида бирлашишимизнинг илк санасини Амир Темур давридан бошлаб, тарих занжирини узмасдан, ҳозиргача бир меъёрда давом этдирсак, биз, худудимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига, серунум ери ва тупроғига, юксак малакали аҳолисига, ёрқин куёшига суяниб, аллақачонлар илғор миллатлар қаторида бўлардик. Лекин темурийлар давридан кейин бошланган пароканлдлик, хонлар ва амирлар орасидаги жанжал-можаролар, ундан кейинги мустамлакачилик йиллари, қизил империя даври — булар ҳаммаси бизни тарих шоҳ кўчасининг ўзатига чиқариб қўйди.

Бундай ҳолатда фақат бизгина эмас эдик, жаҳоннинг кўпчилик қисми мустамлакалар эди, дейиш баъзиларимиз. Ҳа, шундай. Аммо, фарқ, жиддий тафовут шундан иборатки, у мамлакатлар аҳолиси етмиш йил давомида ниҳоятда жадал ва изчил тарзда ғайриминтий руҳда тарбияланмаган эди. Миллатдар меҳнаткаш оммани парчалайди, синфий курашдан чалғитади, дедилар бизга. Одамлар миллий асосда эмас, синфий асосда бирлашиши ва жипслашиши керак, миллатим деган одам ана шу қатъий

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

қоидани тушунмайди ва шу сабабли у миллатчи, дедилар бизга қайта-қайта. Ана шу асосда халқимизнинг талай қисмида ўз миллатига нисбатан эҳтиётқорлик, кўрқиб-писиш, масаланинг жиддийлигини тушунмаслик, кўпинча эса миллатга нисбатан бефарқлик, миллатнинг манфаатларини, тарихини, руҳиятини маҳалла ва чойхона миқёсида ва даражасида тушунтириш ва тушуниш пайдо бўлди.

Бу — биринчидан.

Иккинчидан эса, тоталитаризм шароитларида миллатимиз фарзандлари орасидан Ҳиндистондагидек Маҳатма Ганди, Хитойдагидек Сунятсен, Туркиядагидек Камол Отатурк, Мисрдагидек Гамал Абдул Носир кабилар пайдо бўлолмадилар, миллатни миллий рухда, озодлик руҳида тарбиялашга сезиларли таъсир кўрсатолмадилар. Борлари эса ўз фикрларини намоён қилишга улгурмасданоқ кафансиз кўмилдилар.

Шу омилларнинг узоқ йилларга чўзилган таъсири кўпларимизнинг онгимизга сингиб қолиб, бизнинг онгимизда норасолик, кемтиклик ҳисини юзага келтирган эди. Биз катта етакчи миллатнинг соясида юришга ўргатилган эдик, умуммиллий эмас, «умумсовет» вазифа ва топшириқларини бажаришга ўрганган эдик.

Учинчи салбий омилни ҳам айтиб ўтайлик: баъзида ўзимизни ўзимиз мақташни яхши кўрамиз. Ўзимизни ўзимиз мақтайлик, қачонки мақтов мавзуси жаҳон узра рақобатбардошлик синовидан ўтган бўлсин. Ўшандагина гапимиз, сўзимиз асосли, ишонарли бўлади.

Биз давлатимиз, миллатимиз ҳаётида энг катта тантаналардан бирининг арафасида турибмиз. Беш йил қисқагина тарихий палла. Лекин, мустақиллик шароитларида бу беш йил ичида улкан тарихий-оламшумул ишларни амалга оширдик. Давлатимиз ўзгарди, жамият ўзгармоқда, миллатимиз бошқача, янги тафаккур ва амалиёт даражасига кўтарилди. Иқтисодда, сиёсатда, маданиятда юзага келган муҳим янгиликлар ҳаётимизга руҳан янгилик, маънавий бой мазмун киритдилар. Ўзбекистон тажрибасига бутун жаҳон эътибор бера бошлади, чунки бу давлатнинг раҳбари И.А.Каримов моҳир ташкилотчилиги билан бир қаторда жиддий назариётчи эканлигини ҳам намойиш қилди. У Ўзбекистон беш йиллик тажрибасининг бўлажак натижаларини олдиндан назарий асослаб, белгилаб берган катор китобларни чоп этдиким, уларни чет эл давлат ва жамоат арбоблари ва илмий тадқиқотчилар катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. И.А.Каримов жаҳонда биринчи бўлиб «ривожланган сотсиализм» жамиятидан эркин бозор муносабатлари жамиятига ўтишнинг йўлларини тўла асослаб берди. Бу назарий фикрларнинг ҳаққонийлиги, тўғрилиги, ҳаётийлиги Ўзбекистон амалиётида тасдиқланди, давлатимизда, бошқа янги мустақил давлатлардан фарқли ўлароқ, доимий тинчлик ва барқарорлик таъмин этилди, ижодий ва самарали меҳнат учун барча шароитлар яратиб берилди.

Биз замонавий миллийликка эришиш йўлидан бормоқдамиз. Бунинг учун энг қулай шароитлар мустақиллик туфайли юзага келди. Илғор давлат, замонавий жамият тушунчалари ўз ичига тараққий этган миллийликни ҳам қамраб олади. Тараққий этган миллийликсиз ривожланган илғор давлат бўлиши мумкин эмас. Ана шу боисдан мустақил Ўзбекистон ҳақ, тўғри ва тарихан текширилган йўлдан бормоқда.

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
Фалсафа фанлари доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

МЕҲР ПАНОҲИ



Қодирхўжа ака кунда—кун ора қўнғироқ қиладилар:

— Дўстим, ишлар яхшими? Жим бўлиб кетди деб ўйламанг деб қўнғироқ қиляпман. Сиз ҳотиржам бўлинг... материали ваъдалашган пайтимга етказаман. Ҳотиржам бўлинг... ҳозир шунинг устида ўтирибман. Дўстим, ўзингизни чарчатиб қўйманг...

Қодирхўжа ака бир кам тўқсонга кирдилар. Ва бир кам тўқсонда ўз ихтиёрлари билан «МТ»га ҳам муаллифлик, ҳам мухбирлик қиляптилар.

Ваъда қилган нарсаларини албатта ўз вақтида редаксияга етказиб келадилар. Газетачилик, муаллифликни жуда ҳам яхши кўрадилар. Тўқсонда кўпгина одамларнинг кўплаб қизиқишлари сўниб кетади. Жон сақлаш ғами-ташвишигина асосий мақсад бўлиб қолади. Бунинг сира айби йўқ. Тўқсонда жон қайғусини қилиб ўтиришнинг ўзи ҳам катта давлат. Тўқсондаги одамнинг ёнгинамизда юриши, ўтириши, синиқ овоз билан ўнинчи йиллардаги гапларни ўттиз еттинчи йилларга қўшиб сўйлашини тинглаб ўтиришдан ортиқ мароқли нарса йўқ. Ва у сизни ундан қарийб ўттиз ёш кичик бўлсангиз ҳам, дўстим дейди.

Қодирхўжа акамнинг хаёлларида турли мақолаларнинг фикрлари айланиб юради. Ижодий безовталик заррача камаймаган. Худди йигирма яшар йигитчалардек фикр, кутилмаган сўзлардан бирдан илҳом оладилар. Сизга бир қанча воқеаларни бирдан кетма-кет ҳикоя қилиб берадилар: Шуни ёзиб берайми? Манави воқеа ҳозирги ёшларга қандай бўларкин?

Қодирхўжа Норхўжаев геодезия фанининг йирик алломаларидан. Анча тадқиқотлар яратганлар. Умрининг барча дамларини шу фаннинг равнақига бағишлаганлар. Йигирманчи йилларнинг барча оташнафас зиёлиларини кўрганлар, уларнинг суҳбатида бўлганлар, сабоқлар олганлар.

Улар ҳақида ажиб ҳикоялар сўйлаб ўтирадилар.

Қодирхўжа ака завқланиб сўйлайдилар. Мен бу завқнинг ва бу қаримасликнинг сири устида ўйлайман.

У кишининг сўзлари, ҳикояларида шу ўзи туғилган, вояга етган ерга, шу заминнинг одамларига чексиз бир муҳаббат алангаланиб турганлигини сезаман.

Ўз ерига муҳаббат, ўз ерининг равнақини орзу қилиш ва шу йўлда тинимсиз ҳаракатда бўлиш одамни қаритмас экан деган хаёлга бораман.

Тўқсон ёшда ҳам истиқлол илҳоми билан яшаш ҳар кимга насиб этсин...

Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги олдидан

«ТЕМУР САҒАНАСИ»НИ ИЗЛАБ...

Ўзбек драматургиясининг тамал тошини қўйган адиблардан бири Абдурауф Фитрат ундан ортиқ саҳна асарлари яратгани маълум. Улар ўз даврида ҳали сиёҳи қуримай турибоқ саҳнага чиққан, айримлари нашр этилган. Унинг «Чин севиш», «Ҳинд ихтилочилари», «Абулфайзхон», «Арслон» ва «Восеъ кўзғалони» (тожик тилида), «Рўзалар» каби драмалари вақтида чоп этилгани учун қайта нашрга тайёрланиб халққа қайтарилмоқда. «Бегижон», «Қон», «Ўғузхон», «Темур саганаси», «Абу Муслим» каби драмалари ва «Тўлқин» операсининг либреттоси нашр этилмагани учун ҳам уларнинг тикланиш жараёни бир мунча мураккаб кечмоқда.

Улуғ соҳибқирон Амир Темур номи Фитратнинг ўттиздан ортиқ илмий ва публицистик асарларида тилга олинган, «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» алоҳида адабий давр сифатида тадқиқ этилганига қарамай, бевосита бадиий асарларида Темур сиймосини тиритиришга уриниш нияти билан бирдан бир саҳна асари «Темур саганаси» дунёга келганди. Асар 1919 йили ёзилиб, айни шу 1919 — 1920 йиллари Тошкент ва Самарқанд театрлари саҳнасига чиққан бўлса ҳам, унинг матни ҳамон топилганича йўқ. Н. Каримов адибнинг публицистик асарларига таянган ҳолда драма воқеаларини ўзича қайта тасаввур этиб, «Фитратнинг шайтонга исёни» мақоласи («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1993, 20 август)да эълон қилган. Ўзига хос кузатишларга бой бу мақола кўпроқ таҳайюл қудратига ва мушоҳада кучига таяниб иш кўрилгани учун асарнинг асл матнидан бир оз йироқроқ тушган ўринлар ҳам йўқ эмас. «Темур саганаси» асарини тугалроқ тасаввур қилиш мақсадида биз хаёл кучига эмас, балки ўша давр ҳужжатларига таянган ҳолда, асарнинг айрим сақланиб қолган парчалари (иқтибос ва кўчирмалар шаклида) асосланиб уни тиклашга уринамиз.

Фитратнинг «Ҳинд ихтилочилари» драмасининг (Берлин, 1923) орқа муқовасида адибнинг «босилган ва босилмаган асарлари»нинг рўйхати берилган. Унда «босилмаган» рукн билан «Темур саганаси» асарини «бир пардали драма» деб таништирган. Асарнинг ёзилиш даври бизнингча, юқорида айтилганидек, 1919 йил бўлса ҳам турли манбаларда турлича кўрсатилади. Драма воқеаларини қайта тасаввур қилиб кўрганимизда ҳам у айрим олимлар ёзганидек, 1917 ёки 1918 йил эмас, балки 1919 йили ёзилгани англашилади. Чунки 1919 йили Фитрат Тошкентда бўлиб, Иқтисод учун кураш воқеаларидан бир оз чекланиб, Афғон элчихонасида хизмат қилаётган, биринчи илмий-адабий ташкилот «Чиғатой гурунги» ҳам секин-аста таъкиб остида қолган эди. Асарнинг айни шу даврда саҳнага чиқиб, узоқ вақт қўйилмади. Сабаби у «Чиғатой гурунги» фаолияти билан боғлиқ ҳолда унинг дастурини акс эттирган бадиий асарлардан эди. «Гурунг»нинг нашри бўлган «Тонг» журналининг босилмай қолиши (1920) билан драма қайта саҳнага чиқмаган. Унинг нашр этилиши ҳам ўзўзидан тўхтаган.

Н. Каримов тўғри таъкидлаганидек, драма воқеаларини тиклашда бизга унинг публицистик асарлари, хусусан, «Юрт қайғуси» умумий номи остида чоп этилган уч сочмаси (Ҳ. Олимжон уларни «насрий шеър» деб атаган) ёрдам бериши шубҳасиз. Драматургнинг «Арслон» асарининг туғилишида «Бухоронинг ҳоли» («Ҳуррият», 1918, 72-сон) мақоласида камбағал Турсуннинг турмуши тасвири, «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилочилари» асарлари учун «Англиз ва Туркистон», «Шарқ сиёсати» сингари мақола ва рисолалари қанчалик рол ўйнаган бўлса, «Темур саганаси»нинг туғилишида «Юрт қайғуси» шундай «хамиртуруш» вазифасини ўтаган. Бироқ «Юрт қайғуси» туркумига кирган «Темур олдида» лавҳаси тўғридан тўғри «Темур саганаси»га айланиб қолмаган. Фитратнинг бир пардали драмаларида кўринган адабий услубидан келиб чиқсак, улар кўпроқ диалог характеридаги асарлар бўлган. Масалан, «Мунозара»нинг Ҳожи Мўйин таржимасидаги саҳна варианти бунга мисол бўлиши мумкин. Лекин асар қаҳрамонлари бизнингча, Йигит (адибнинг кўп муҳолифлари тасдиқлаганидек, Фитратнинг ўзи), Темур руҳи ва ремарка ҳамда декоратсиялар орқали акс этиши лозим бўлган Пейзаж образидан иборат бўлган. Йигит («Юрт қайғуси»даги бир ўзбек йигити) мамлакатдаги сиёсий бетайинликлардан, бебошвоқ раҳбарлар, ноахил зиёлилар ва жоҳил оломондан ранжиб, буюк бобоси Темур руҳидан кўмак ўтингани учун унинг мақбарасига зиёратга келади. Зиёрат таомили бўйича ўз отасининг олдида бир оз ёзилади. Унинг сўзлари кўпроқ «Юрт қайғуси»даги фикрларга мантиқан яқин бўлган. Қолаверса, Ҳамид Олимжон 1936 йилги «Фитратнинг адабий ижоди ҳақида» мақоласида шундай ёзади: «...Темур саганаси»га бориб, ўз фожиасини айтиб йиғлайди: «Хоқоним, эзилиб таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди» (Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар, Ш т., Тошкент, 1960, 235-бет). Бизнингча, драманинг биринчи кўриниши Қаҳрамоннинг «арзи ҳоли» баёнидан иборат.

«Темур саганаси»даги иккинчи кўриниш, бевосита дард селидан безовта бўлиб, қабрдан тик туриши (қаҳрамон наздида) асарнинг энг юқори руҳий ва маънавий нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун Фитрат Темурга «сўз бериш»дан аввал саҳнада мана шу руҳий ҳолатнинг таъсирли ифодасини бериш учун «пейзаж образи»га, тўғрироғи, предметли пейзажга мурожаат этади. Америкалик туркшунос Э. Олворснинг «Ўзбек драмасида ислоҳот ва инқилоб» номли мақоласида («Сентрал Азиан ревю», т.Х, № 2, 1964, 88-бет) айтилишича, ўз қаҳрамонининг руҳини имкон қадар халқ руҳига яқинроқ қилиб тасвирлаш учун «пейзаж образи»ни асарига киритган. Бошқа бир манбада қуйидаги парча келтирилади: «Саҳна устида қоп-қора бир булут, булутнинг ортидан бир нур кўринади. Нур ичида Темурнинг руҳи аста ериши, томошабинга яқин келади». Бахтимизга Темур монологидан ҳозирча кичик бир парчани тиклашга, тўғрироғи, топишга эришдик. 1952 йили «Миллий Туркистон» журналида Фитрат ҳақида мақола эълон қилинган. Унда Фитратнинг «туркчилик руҳидаги асарлари»га тавсиф бериларкан, Темурнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «...Мен сизларга кўп нарсалар қолдирган эдим. Не бўлдики, бир замонлар шарафли ва жасур бир миллатнинг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш... Қимлар боғларингдан қушларимни қувмоқда!.. Оталар меросидан нималар олгандингиз? Сиздан талаб этаман, қалқингиз... Ўлкани тузатингиз, авлодларим ҳур яшамоқларини таъмин этингиз. Агар бундай қилмасангиз, ўлка буюк бир мозорлик ҳолига келади». Ушбу парча гарчи асарнинг асосий воқеаларини тўла тиклашга даъво қилмаса ҳам, унинг моҳиятини англашга ёрдам беради. Буюк бобомиз Темурнинг ушбу сўзларини шарҳлашдан ўзимизни тийиб турсак ҳам, Фитрат Темурнинг кўзи билан давр воқеаларини кўрган, унинг руҳи билан англаган ва ўлкани «келгусидаги буюк мозорлик ҳоли»дан қутқариш учун шу кундаёқ курашга бел боғлаш керак деган мантиқни ифода қила олган. Бу 1918 йилги Туркистон мухториятининг мағлубияти, Амирга қарши ёш бухороликлар қуролли ҳаракатининг мантиқсизларча Колесоога алданиши ва уларнинг ўз юртидан қувилиб, муҳожирликда яшашга мажбур бўлгандаги ҳолати билан боғлиқ. Албатта, буюк Темур сўзларини биргина Бухоро ҳудуди билан боғлаш ўта камлик қилиши, табиий. У ўша замонда Шарқ ва Осиёни мустамлака қилиб бўйсундириш авж олганига қарши айбномадир. Шунинг учун ҳам бизнингча, асарнинг моҳиятини англашда Фитратдан сўнг фожиа яратган улуғ драматургларнинг асарларидаги воқеаларга ҳам бу асар ҳамоҳанг экани очиқ сезилади. Мақсуд Шайхзода ўз асарида Мирзо Улуғбекни бобо Темур руҳи билан учраштириши Шекспир Гамлетидан кўра кўпроқ Фитратнинг «Темур саганаси» асарига боғланишини энди сир сақлашнинг ҳожати йўқ. Мирзо Улуғбек ўз фожиаларини англашда Темур руҳидан мадад ўтинади. Фитрат ниятида халқнинг ўз дардини англаб, ундан қутулиш иложини топишида ҳам улуғ Темурнинг руҳи қўллайди. Мирзо Улуғбек бобо руҳига мурожаат қилиб, «Бобо Темур, омонатинг сақлаёлмадик, авлодларинг чиқиб қолди ноқобил» сўзлари нафақат XV аср фожиасида, балки ўз юртини ўзгаларга бериб қўйган, «айтарга ҳоли, боррга ери, курашга мажоли қолмаган» XX аср бошлари юртдошларига ҳам тааллуқли эди. Шунинг учун ҳам «авлодларни ҳур яшамоқлигини таъмин этиш» имкони бўла туриб, уни йўқотган юртдошларига нисбатан Темур руҳи воситасида ҳайқирган эди Фитрат. Табиийки, Бобо Темурнинг бу хитоби беиз кетмаган. Драма таъсириданми бўлиб халқнинг баҳодир ўғлонлари ўз юртини мустамлака зулмидан, болшевойлар ишғолидан қутқармоқчи бўлганлар, уларни «босмачи» ёки бошқа тавқи-лаънатлар билан қанчалик ҳақорат қилишмасин, ўзларини бу ҳаёт-мамот курашига чоғлаганлари маълум маънода Темурнинг Фитрат воситасидаги хитобларига жавобдир. Япон туркшуноси Ҳисао Комацусининг ёзишича, «бу асарлар халққа мислсиз даражада таъсир кўрсатган. Улар драманинг ҳар кўригидан кўздан ёшларини оқизиб, чиқиб кетганлар» (XX аср бошларида Ўрта Осиёда туркчилик ва даврим ҳаракатлари. Анқара, 1993, 30—41 бет).

Англашиладики, Фитрат драмаси ўзи иччам бир пардали асар сифатида саҳнага чиққани билан, унинг таъсир доираси ва воқеалар кўлами кенг бўлган. Асарни Фитратнинг публицистик асарларида кўринган айрим чизгилар доирасида тасаввур этганда ҳам, ўз даврининг ҳужжатларига асосан тасаввур қилганда ҳам энг таъсирли асарлардан бири, каби қабул қилмоғимиз мумкин. Шундай экан, «Темур саганаси» юксак бадиий савияда ёзилган тарихий драма бўлгани учун унда воқеалар қамрови, образлар тизимини «Юрт қайғуси» асарининг руҳи билангина чеклаб бўлмайди. Кузатишимизча, Фитрат публицистикаси «қалбда ғалаён қилган бир оний туйғунинг ифодаси» сифатида қоғозга «тўкилган» бўлиб, уларда туйғулар тошқини, руҳ ҳайқириғи баралла ҳар жумлада акс этиб турган. Тарихий драма кўпроқ бадиий мантиққа, рамзий мушоҳадага асослангани учун ҳам ундаги «туйғулар тошқини» биринчи ўқишдаёқ, айниқса, матни тўла бўлмаган асардан қолган изларни пайқашда акс этмаслиги мумкин. Бироқ даврлар ўтиши билан бу асарга қайта-қайта мурожаат қилишимиз, нафақат улуғ соҳибқирон юбилейи баҳонасида, балки ўз она юртимиз Истиқлоли йўлида унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурияти туғилган ҳар бир пайтда ҳозиржавоблик билан тайёр туришимизга ҳам чорлаб, руҳимизни қайраб, кўнгилларга таскин бериб туриши мумкин. Буюк бобокалон Темур руҳи ҳамиша бизга мададкор.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

Аср тенгдошлари

ЮРАГИМ ГАЛВИРМИДИ...



Баҳри ҳолам ҳузурларига кирган кишини кўришлари билан муштипар юзларига қуёшдай табассум ёйилади. Тўқсон йилнинг барча ажинлари бирдан йўқолади. Табассум кўзларида ҳам чарақлаб туради.

Баҳри ҳола тўқсон йил умрнинг ҳар бир дамини пок ва ҳалол меҳнатда ўтказдилар. Эл-юрт хизматига фарзандлар тайёрладилар.

Тўқсонда ҳам худо ато этган умр ва ҳаётнинг завқини мендан кўра яхшироқ туядилар.

Сўзларининг бари зариф мақоллар, маталлар, ҳеч кимдан илгари эшитмаган ғаройиб ҳикматли сўзлар... Ҳикмат табиий қайнаб туради.

Ойдин Баҳри холамнинг сўзлари, ҳикматларини дарҳол ёдлаб олади ва доим айтиб юради. Мен олтин сўзларни эслаб қололмайман. Уруш пайтининг боласиман. Бу хотирамда доим сезилиб туради.

Баҳри ҳолам дардай сўзларни шикаста овоз билан, лекин жуда аниқ-тиниқ қилиб ёд ўқийдилар. Ойдин такрорлайди:

* * *

— Осмонда учар қушман
Ака, ўзи беҳушман
Отиб олинг, акажон,
Асли тоза кумушман...

* * *

Қизил гул илдизидурман
Ёқангни қундузидурман
Мени кўп хўрламанг, ёрим,
Бировнинг ёлғизидурман...

* * *

Кўк шишадан туваги,
Сунбуладан сумаги
Худо шуни берибди
Бувисининг эрмаги...

Баҳри холам эл-юртни дуо қилиб ўтирадилар. Дуо — одамни азиз қилган калом:

— Пул олсангиз кумуш бўлсин, тупроқ олсангиз — олтин... ўз юртингда доим оёғинг тагидан шамол ўтиб, эркин кушлардай парвоз қилиб юринглар... Юртбоши Каримов болам омон бўлсин. Узоқ умр кўрсин. Эл бахтини кўрсин... Бизнинг кўкка ўрлаб, ерни қамраб юрган чоғларимиз ўтди. О, нимасини айтасан, соғиндиқ... Сизлар кўринглар энди...

Мен холамнинг тўқсонда ҳам завқ ва илҳом тошиб турган чеҳраларидан кўзимни узолмайман.

Чин завқ одамни яшартиради ва ҳеч қачон қаритмайди.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Саудия Арабистонининг Тоиф шаҳрида яшовчи ватандошимиз, миллатимиз зиёлиларининг бир вакили, энг муҳими — Ватани ва миллатини севадиган замондошимиз Комилжон ака Тошқин тижорат билан шуғулланади, таъбига кўра аҳли назмлардан. Юртимиз истиқлоли ҳақидаги хабарлар бутун дунёга таралгач, Комилжон ака қувончини ичига сиғдиролмай, дил сўзларини ифодалаб, табрик шеърлари ёзиб, ўтган йиллари Ватан зиёратига келиб кетдилар. Ҳурматли муштарийларимизга унинг дил саломи ва соғинчида ёзган бир шеърини етказмоқдамиз.

Сайфиддин ЖАЛИЛ,
Маҳкам МАҲМУД

ДАВО УЗБЕКИСТОНДА

(Ўзбекистон жумхуриятининг истиқлол байрамига)

Бу кун авжиндадур завқу сафолар, Ўзбекистонда,
Заминда кўкда юксалди зиёлар Ўзбекистонда.
Ҳилолу ўн икки юлдузи байроғлар билан гулдек —
Безанди растаю кўркам бинолар Ўзбекистонда.
Яшил тўн кийди сахролар севинчдан янги тус олди,
Ёпинди кўксор гулгун ридолар Ўзбекистонда.
Чаманлар мушки анбар нашр этар, кушлар ҳамон сайрар,
Эсар оромбахш салқин ҳаволар Ўзбекистонда.
Канори жўйбору боғчалар, чойхоналар обод,
Қилур ёшу қари рақсу ғинолар Ўзбекистонда.
Фазони тўлдуруб янграр садойи тору тамбурлар,
Тараблар, яллалар, ширин наволар Ўзбекистонда.
Қувонч-ла табрик айлар бир-бирини навқирон ёшлар,
Қадрдон оналар, мушфиқ атолар Ўзбекистонда.
Қуёш нури яна ҳам ўткуру порлоқ кўринмакда,
Кулуб боқмоқда халқимга самолар Ўзбекистонда.
Бугун ҳар чеҳра хандон, ҳар юрак шодлиғ қилур изҳор,
Ажаб йўқ аршга юзланса санолар Ўзбекистонда.
Бу кун дунёга истиқлолимиз эълон этилган кун,
Шу кунда қўлга келган муддаолар Ўзбекистонда.
Муборак бўлсун, эй юртдошларим! Қутлуғ бу истиқлол,
Тиларман сиз учун мангу бақолар Ўзбекистонда.

Умид шулким, қабул ўлғай муборакбоди Тошкиннинг,
Ўзи четда вале руҳин даволар Ўзбекистонда.

ФАХРИЯ

(Байроғимиз учун)

Эй шонли, шарафли қутлуғ байроғим,
Қувончим, машъалим, суянган тоғим,
Бахтимга нур сочган ўчмас чироғим,
Соянгда яшнайди она тупроғим.

Эрк билан ҳилпилла осмонимизда,
Нурингдан шуъла бор иймонимизда.
Ҳурматинг сақланур виждонимизда,
Сен борсан янграган чу қонимизда.

Юлдузлар сайр этсун юлдузларингни,
Ўпмоққа интилур ой юзларингни,
Ҳар саҳар табриклаб наврўзларингни,
Қуёш ҳам пойласун кундузларингни.

Сен билан қоимдур истиқлолимиз,
Сен билан порлокдур истиқболимиз,
Ўн икки юлдузга жўр ҳилолимиз,
Сен учун фидодур жону молимиз!

Тошқин

ТЕРАНЛАШИБ БОРАЁТГАН МУСТАҚИЛЛИК

«Мулоқот» журнали — меҳмонимиз

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

ДАВРИМИЗГА ПАЙВАСТА

Мустақиллик арафасида туғилиб, мана беш йилдирки севимли ватанимиз Истиқлоли учун хизмат қилаётган, ўзбек халқининг минг йиллар давомида тўплаган маънавий-ахлоқий қадриятларига асосланган миллий мафкурасини ўз саҳифаларида чуқур ёритиб келаётган «Мулоқот» журналининг махсус-байрам сони босмадан чиқди. Журналнинг мазкур 5-сони Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллигига ва буюк, қудратли давлатчилигимиз тамал тошларини қўйган бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига бағишланган. Бу иккала муборак сана бир-бирига шундай алоқадор, пайваста, туташки, уларни бир байрам сифатида тасаввур қилиш табиийдир. Аммо, байрам — бу фақат ютуқлар билан мақтанишгина эмас, балки тарихий воқеалардан хулоса чиқариб, сабоқ олиб, ватанимиз мустақиллиги истиқболлари ҳақида теран тафаккур қилиш, дастлабки беш йилда ҳал этилган ва олдимизда турган муҳим вазифалар ҳақида фикрлашдир. «Муҳаррир мулоҳазалари»да ана шундай долзарб муаммоларимиз ҳақида мулоҳазалар айтилади. «Тарих сабоқлари ва мустақиллик истиқболлари» мавзуида ХДП Марказий кенгаши ўтказган илмий-назарий анжуманда қилинган асосий маърузанинг мазмуни баён этилади. Жумладан, ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов таваллуди кенг байрам қилинаётган Амир Темур барпо этган қудратли давлат ҳақида бундай дейди: «Энг асосийси у (соҳибқирон) жамиятда адолат ўрнатиш ва уни таъминлашни биринчи ўринга қўйди. Соҳибқироннинг ўзи ҳар соҳада адолатли иш юритишда шахсан ўрнак



кўрсатди. Унинг ўз вазирларига «Агар мен билмай қолиб, адолатсиз қарор қабул қилсам, ўзим билмай, бировнинг ҳақига хиёнат қилсам, ёлғонларга учиб, халқ манфаатига зид иш тутсам, дарҳол мени огоҳ қилинглар деб қаттиқ тайинлаганини муаррихлар қайта-қайта таъкидлайдилар. ...Ислом ахлоқига изчил амал қилувчи асл мусулмон, моҳир стратег, жасур лашкарбоши, оқил, доно ҳукмдор, уддабурон сиёсатчи, танти ва бағри кенг инсон амир Темур савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳам ҳомийси эди. Шу боис, амир Темур ва темурийлар даври ҳақли равишда илм-фан, маданият ва маориф беҳад равнақ топган Шарқ Ренессанси, яъни Уйғониш даври деб ҳам аталади».

Атоқли муаррих, тарих фанлари доктори, академик Бўрибой Аҳмедов «Амир Темурнинг тарихдаги ўрни» мавзуидаги мақоласида юқоридаги муҳим фикрлар тарихий далиллар билан янада кенг ва атрофлича ёритилади.

Бўрибой Аҳмедов мақоласида келтиришича, 1404 йилнинг кузида Амир Темур мансабини суиистеъмол қилган икки вазирни ва молини ортиқча баҳо қўйиб сотган қассоб ва косибни қонун асосида аёвсиз жазолаган.

Бизнинг Президентимиз ҳам адолатли қонунлар асосида иш юритиб, мансабдор шахсларга катта талаблар қўяётганини кўриб турибмиз.

Журналнинг янги сонида Иброҳим Ғафуров «Дунёнинг турган-битгани ирфон экан» мақоласида истиқлол ҳақида фалсафий мулоҳазаларини ўртоқлашади.

«Мулоқот»нинг янги сонида яна соҳибқирон таваллудига бағишланган шоирлар мушоираси, шарқшунос олим Убайдулло Уватовнинг «Амир Темур ва Миср мамлуклари», Хайрулла Исматуллаевнинг «Византия тарихида амир Темурнинг ўрни» каби мақолаларида, шунингдек, буюк алломалар Мирзо Улуғбек, Али Яздий, Ғиесиддин Али, Руи Клавихо, Ибн Халдун, Ибн Арабшоҳ, Фасих Хавофий ва бошқаларнинг мулоҳазаларида соҳибқирон шахсига юксак баҳолар берилганки, буларнинг ҳаммаси мактаблар ва дорилфунунларда тарих, иқтисод ва адабиёт дарсларида муаллимларга ҳам, талабаларга ҳам асқотиши мумкин.

Журналнинг ушбу сонида иқтидорли олимлар Қозоқбой Йўлдошевнинг «Шахс — жамият ва маънавият бирлиги», Эркин Бобомуродовнинг «Сиёсий тафаккурнинг янгиланиши», Чори Тиллаевнинг ўзбек халқининг ажойиб фарзанди Файзулла Хўжаев ҳақида ҳикоя қилувчи «Халқ фарзанди» мақолалари, шунингдек журнал ходимларининг Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг раҳбари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси академиги Маҳмуд Мирзаев ҳамда Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш ҳиссадорлик уюшмаси раиси Эркул Зикриёев билан қизиқарли суҳбатлари ўрин олган. Қуйида эътиборингизга янги сондаги баъзи шеърлар ва мақолалардан парчалар ҳавола қилинмоқда.

Муҳаррир мулоҳазалари

ЎТМИШ БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ, КЕЛАЖАК — НАЖОТИМИЗ

Куни кеча мен Самарқанддан қайтдим. Шиддатли ҳаёт пўртанасида одатдагидек югурию-елиб эмас, ноёб имкон шарофати билан шошмасдан, бамайлихотир шаҳар кездим, муқаддас обидаларимизни зиёрат қилдим. Миллатимиз буюклигининг бу далолатномалари қаршисида лол туриб яна бир бора амин бўлдимки, аждодларимизнинг тафаккури ва қалб қўридан яралган бу осоратикалар то абад бизнинг нажотимиз. Улар бизнинг юзимиз, миллатимиз қайта туғилаётган, улкан умумжаҳон хонадонига кириб бораётган шу қутлуғ айёмларда эса инсониятга кўрсатадиган бирдан-бир ишонч ёрлиғимиз ҳамдир. Улар орқали биз буюк тарих салтанатига дахлдормиз. Улар орқали биз Ўзбекистон деб аталмиш шу азиз тупроқ, шу суюк замин ҳамиша ардоқланиб, обод бўлиб келганлигини тушунамиз. Уларнинг олтин кошинларида бизнинг сўнмас тарихимиз ёзилган, сеҳрли нақшларида аждодларимизнинг бизларга аталган тилаклари, асрлар оша бизларга йўллаган васиятлари битилган. Юртимиз асорат кишанларидан фориғ бўлгани ҳамоно нигоҳларимиз ҳам, фикр-ўйларимиз ҳам олис-олисларга — ўтмишга интилгани, ўзлигимизни ҳам ўша ёқлардан — мозий қаърларидан ахтара бошлаганимиз бежиз эмас. Давлатимиз Истиқлолининг бутун бешинчи йиллиги жаҳон миқёсида ўзбекнинг қутби миллати, буюк саркардаси Амир Темур ҳазратларига бағишланганлигида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Биз ношудлигимиз, ланжлигимиз билан соҳибқирон ҳазратларига, балки, керак эмасдирмиз. Лекин ул зоти нажиб бизларга керак. Миллатимиз қад ростлаши, озодлик йўлидан қоқилмай кетиши учун керак. Бироқ, азалий қадриятларга мурожаат ҳаргиз замонамиздан чекиниш эмас — миллий шажарага муносиб бўлишга ҳаракат, холос.

«Мулоқот» журнали ўзининг дастлабки сонларидан бирида — 1991 йилдаёқ — соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари хусусида «Темурийлар тақдири» деган мақолани ва «Темурийлар шажараси»ни республикада биринчи бўлиб эълон қилган эди. Ва шундан буён журнал ўзининг «Темурийнома»сини давом эттириб келмоқда. Ушбу махсус сон ҳам олий ҳазратларининг руҳи покларини шод эта олса ажаб эмас.

Машҳур руҳшунос Карнеги фикрича, кечаги кунларни худди жасадга ўхшатиб кўмиш, яъни хаёлдан чиқариб ташлаш керак. Боиси — у ортиқча юк, ҳалал беради. Эртанги кунларни ҳам ўйламаган маъқул. Боиси — мубҳамлиги билан юракларга ғулғула солиши мумкин. Бугун билан яшаш керак. Албатта, мутахассис фикрини инкор этиш қийин. Лекин бу хил тавсиялар бизларга тўғри келмайди. Негаки, биз узоқ йиллар қоидадан ташқари шарт-шароитда яшаб келганмиз, ҳозир ҳам, шу кеча-кундузларда фавқулодда вазиятларни бошдан кечирмоқдамиз. Қисмат тақозоси билан биз бугун ўтмиш хотиротлари ва келажак орзу-армонлари билан тирикмиз. Ўтмиш бизнинг таянчимиз, келажак — нажотимиз. Бугунимиз эса қурилиш жараёнида.

Минг йиллик музаффар ҳаёт ва асрлик қуллик! Минг йиллик қудратли давлат ва беш йиллик норасида давлатчилик! Ажаб мураккаб қисмат! Ер юзидаги сўнгги империя парчаланиб юртимизга озод кунлар насиб этганига беш йил тўлибди. Ва беш йилдирки, бизларнинг орзу-умидларимизнинг ҳам, хавф-хатарларимизнинг ҳам манбаи битта — озодлик. Озодлик туфайли бахтиёрмиз, озодлик туфайли узлуксиз синовдамиз. Ҳолбуки, вақт чархпалагининг бугунги айланасида мутлақо равшан: бизнинг бошқа инсонлардан фарқимиз йўқ, улардан кам ҳам эмасмиз. Фақат бир оз орқада қолганмиз, фақат бир оз ғафлат босган. Ҳамда ҳамма инсонлар каби ўз давримизнинг маҳсулимиз. Шу боис бугунимиз нечоғлиқ осуда бўлмасин, эртамиз нечоғлиқ жозибали ёки буюк бўлмасин, барибир, хавотир ва ҳадиклар бизларни ҳали-бери тарк этмаса керак. Негаки, халқимизнинг йўргак ёшидан бутун йигирманчи аср давомида урушлар, даҳшатлар таъқиб этиб келган. Ҳолбуки, биз илк бор шу ўтган беш йил ичида тинчлик учун курашмадик, балки тинчликдан баҳра олиб яшадик. Илк бор топган-тутганимиз қурол-аслаҳа ясаш, сақлаш, жаҳонга дағдаға қилиш учун эмас, юртимиз, демакки, ҳаммамизнинг манфаатимизга сарфланди.

Лекин мустақиллик йиллари осон кечяпти десак хато бўлса керак. Чунки етмиш йиллик ғайри одати, ғайри қонуний тартиботдан кейин ҳаётни дабдурустдан табиий ўзанга буриш ғоят мушкул. Бошқа ҳеч қандай кўнгилсиз сабаблар бўлмаганда ҳам эски тартиботнинг бузилиб янгиси барпо этилиши жараёнининг ўзи бир дунё мушкулот туғдиришга қодир. Узоқ муддат хору зор этилган, ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинган мазлум халқ бор-йўғи беш йил ичида қуллик асоратларидан батамом қутулиши мумкин эмас. Қорни тўйдирилганда ҳам, шоҳона либосларга ўралганда ҳам қуллигича қолаверади. То унинг қадр-қиммати тикланмагунча. Ундаги муте хусусиятлар, ҳиссиётлар изсиз емирилмагунча эрк ҳақида сўз юритиш қийин. Мисол учун Америкадек буюк давлат Англия зулмидан қутулгандан кейин тамоман ўзини ўнглаб олиши учун 80 йил керак бўлган деб ёзишади. Бошқа қатор давлатлар мисолида ҳам шу жараён кам деганда уч авлод умрини талаб этиши ҳисоблаб чиқилган. Бизда эса, назаримда, бунча вақт йўқ. Муддат биз учун ҳаёт-мамот масаласи.

Бироқ икки тошнинг орасида бўлса ҳамки, жамики машаққатлардан қатъий назар ҳаёт олға кетяпти. Юртимизда содир бўлган ва бўлаётган ўзгаришларни кўрмаслик, тан олмаслик мумкин эмас. Мустабид тузум асос-асосларигача емирилиб, инқилобий жараён оддий одамларгача етиб, бутун аҳолини қамраб оммавий тус олди. Ва шу ялпи ижтимоий фаоллик таъсирида ва асосида жамият яшин тезлигида ўзгариб бормоқда. Файласуфлар фикрича, айни ҳаракат эрки, ҳаракат ихтиёри инсонликнинг моҳиятини ташкил этади. Совет тузуми бекор этган шу хусусиятни биз қайтариб олдик. Бугун юртимизда эмин-эркин ҳаёт жўш уриб ётибди. Фуқаролар эркин иш юритиш имкони ва ҳуқуқларидан кенг фойдаланмоқдалар. Натижада бозор муносабатлари турмушимиздан ўрин олиб, эркин инсонлараро муомала, тазйиқсиз савдо-сотиқ қоидалари урф бўлгани сайин ҳаёт ҳам мантиқий, табиий шакл касб эта бормоқда. Негаки, айни бозор — озод муносабатларни ўзлаштириш, озодликнинг ўзини истифода қилиш майдонидир. Лўнда қилиб айтганда — озодликнинг ўзидир.

Истиқлолимизнинг беш йиллигига ажойиб тухфа бўлган Америка музокараларидан сўнг давлатимиз Президенти эътироф этганларидек, «Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг мақсади — озод ватанда, озод яшаш» ва «...жамиятимиз, халқимиз мана шу мақсад йўлида белни маҳкам бойлаб, ўзини аямасдан меҳнат қиляпти, катта умид билан яшаяпти».

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ШАХС — ЖАМИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ БИРЛИГИ

Оламдаги саноқсиз нарсаларнинг аксариятида вужуд бору жон йўқ, баъзиларида жон бору жасад йўқ, бир қатор яратиқларда вужуд ҳам, жон ҳам бору руҳ йўқ. Одамзодда эса вужуд ҳам, жон ҳам, руҳ ҳам борки, бу унинг мукаррамлиги, азизлигига боисдир.

Одамнинг мавжудлигини ташкил этган шу уч бирликка монанд равишда унда жисмоний, нафсоний ва руҳоний сифатлар ҳам Яратган томондан пайдо қилинган. Маънавият - нафсоний майлларни жиловлаб, руҳоний жиҳатларни ривожлантириш мажмуи демакдир. Чегара билмас олам, таърифга сиғмас даражада сиру саноатга, гўзаллигу тароватга эга дунё вужуд, жон ва руҳ эгаси бўлмиш Одам учун яратилган. Одам — оламнинг яратилишига сабаб. У — Аллоҳ гўзаллиги, қудрати, билгичлигининг зоҳирий ифодаси. Ҳазрат Навоий «Ҳайратул-аброр»да ёзади:

Жилваи ҳуснига чу йўқ эрди, ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Очти гулшанники рангин эрур
Ҳар гул анга ойнайи Чин эрур.

...Шунча ғаройибки мисол айладинг,
Барчани мирьоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Кўринадики, Аллоҳ ўзининг ҳадсиз улуғлиги, қудрати, гўзаллигини намойиш этиш, муайян бир кўзгу воситасида тамошо қилиб ҳузурланиш мақсадида Инсонни яратган. Оламдаги саноқсиз яратиқлар орасида фақат одамгина Яратувчининг ўзига хос бўлган айрим сифатлар билан зийнатланган. Чунки Парвардигор одам тимсолида ўзини кўрмоқ истаган. «Юрагингга чекингил, юрагингда Аллоҳ бор», деган Яссавий ҳикмати ғоят ҳаққоний мазмунга эга. Бинобарин, яратилишидан баланд мартабада туриши кўзда тутилган инсоннинг табиати, қалби, туйғулари, тафаккури шундай шакллантирилиши жоизки, ҳаётдаги барча гўзаллигу, эзгуликдан шодланадиган ва ҳар қандай қабоҳату иллатдан озорланадиган ҳамда озор берувчига қўли, тили ёки дили билан қаршилик қила оладиган бўлсин.

Ҳар қандай жамият ўз аъзоларига муайян маънавий мезонлар асосида ёндашади ҳамда фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари, қарашлари, интилишлари ва яшаш тарзларининг ана шу мезонларига мувофиқ келишини истайди. Чунки жамиятнинг қандайлиги ўша мезонларнинг моҳиятига ва уларга одамларнинг қай даражада амал қилаётганлигига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай янгиланаётган жамиятда бўлганидек юртимиз — Ўзбекистонда ҳам маънавий мезонларни излаш жараёни ғоят самарали бормоқда. Маънавият бизнинг ватанимиз учун шунчаки ахлоқий нормаларга амал қилиш эмас, балки ҳаёт-мамот масаласига айланди. Амалга оширилиши кўзда тутилаётган барча ўзгаришу ислоҳотлар баркамол маънавият соҳиблари бўлмиш кишиларнинг кўнгил мулкига айлангандагина кутилган самарани бериши мумкинлиги кўпчилик томонидан англаб олинди. Шу боис маънавият фақат тарбия, ахлоқ, ижод соҳаси ходимлари томонидангина эмас, балки сиёсий арбоблар томонидан ҳам жиддий тадқиқ этилмоқда.

Республика Президентининг: «Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди...

Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйғун ҳолда... шаклланиши лозим...

Ўйлайманки, биз барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай ғояларга суянсак хато қилмаган бўламиз», — деган фикрларида Ўзбекистоннинг истиқболи учун маънавий асослар нечоғлиқ муҳим ўрин тутишини кўрсатиш баробарида маънавий мўлжалимиз қандай йўналишга эга бўлиши лозимлиги ҳам аниқ белгилаб берилмоқда.

«Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади», — дейди мамлакатимиз раҳбари. Айни шу таъкид инсон шахсига эътибор ҳам, талаб ҳам кучайганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат мустақил Ўзбекистон фуқароларининг маънавий қиёфаси жамиятимиз тараққиётини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этишини билдиради. Демак, халқнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган асосларни танлашда ўта талабчанлик зарур.

Ҳар бир одам ўзини қанчалик таниса, бутун борлиқни яратган Аллоҳни ҳам шунчалик танийди. Шу боис ҳар бир алоҳида шахс, оила ва бутун жамият ҳукумат билан ҳамкорликда бутун кучни фуқаролар маънавиятини соғлом асосларда шакллантиришга йўналтириши лозим. Шахснинг маънавий баркамоллиги жамиятнинг фаровонлигига, жамиятнинг фаровонлиги маънавиятнинг юксаклигига, маънавиятнинг юксаклиги эса шахс камолотига таъсир ўтказаверади. Шахс, жамият ва маънавиятнинг узвий бирлиги шу тариқа тараққиётнинг асосий омили бўлиб қолаверади.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

СИЁСИЙ ТАФАККУРНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов аҳли фузало ва аҳли шуаро билан ўтказган бир суҳбатида айтган эдики: «Биз келажагимизни мустақил равишда қурмасак, ўзимизни ҳар томонлама ҳимоя қилмасак, ички ва ташқи сиёсатни оқилона ўтказмасак, ҳеч ким бизга астойдил хайрихоҳлик қилмайди.

...Шунинг учун биз Ўзбекистонни мустақил сиёсатини юргизар эканмиз, сезган бўлсангиз, баъзи бировлардан чиққан кўрсатмаларга бўйсунмаяпмиз. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимиз бор, деганда шуни тушунмоқ керак. Агар биронта кучлироқ давлатнинг ноғорасига ўйнасак, эртага бизни ҳеч ким назар-писанд қилмайди, тобе, қолоқ давлатлар қаторига қўшиб қўйиши мумкин. Ўзбекистонни камситишга йўл бермаслик — асосий вазифамиз. Агар шуни вақтида қилмасак, кейин ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Яна хом ашё бериб, меҳнат қилиб, роҳатни эса ўзгалар кўрадилар, эски аҳволга тушиб қолишимиз мумкин».

Демак, бугунги кунда сиёсий ҳаётда, сиёсий онгда ҳам бошқаларга қарамлик эмас, балки бунёдкор меҳнат билан мустақилликни мустаҳкамлаш — асосий вазифамиздир.

Мустабидлик тузуми, шўролар сиёсати вақтида ҳеч бир республика раҳбари бундай ошкора фикрни айтолмас эди. Аксинча, шўролар даврида ўз миллатини ҳимоя қилувчи, миллий ғурури бор одамлар сиёсатни тушунмайдиган ёки давлатга қарши, сиёсий ишончсиз одам сифатида қораланар ва жазоланар эди. У даврда Марказнинг мустамлакачилик сиёсатига садоқатли, ўз халқининг тарихи ва маданиятини, миллий ғурурини оёқости қилиб бўлса ҳам, Марказ буюрганларига лаббай деб жавоб берувчиларни сиёсий етук деб ҳисоблар эдилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, сиёсатнинг барча соҳаларида ҳам ҳаётбахш ўзгаришлар юз берди. Эндиликда элим, деб, юртим деб ёнган, ватан, миллат равнақи учун курашган жонкуяр одамларга сиёсий айблар қўйиш бекор қилинди. Аксинча, бундай одамларнинг ҳурмат-иззати, обрўйи ошди. Муҳим соҳаларга шундай одамлар раҳбар бўлиб келди. Илгари таъқиқланиб келган она тарихимизнинг буюк сиймолари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш кенг йўлга қўйилди.

Собиқ коммунистларнинг сиёсий шиорларидан бири — миллатлар ва синфларни тугатиб, ҳамма халқларни бир хил қолипда фикрлайдиган миллий ҳаёт тарзидан, дини, урф-одатларидан воз кечган, коммунизм иши учун керак бўлса, отаси ва онасини ҳам ўлдирадиган, «сиёсий онги юксак» манқуртларни етиштириш эди. Чингиз Айтматов «Асрга татигулик кун ёки Бўронли бекати» рўмонида ана шундай манқуртларнинг бадиий умумлашган қиёфасини яратиб, ижтимоий моҳиятини фош қилди.

Мутафаккир адиб Александр Солженицин «ГулАГ» ороллари» рўмонида аниқ ҳужжатлар асосида ёзишича, ўттизинчи йилларда Туркистоннинг миллий Истиқлоли учун фидоийларча курашган минглаб қаҳрамонларимиз — қўрбоши, понсод, додхоҳлар Соловки оролларида ғайриинсоний ваҳшиёна азоб-уқубатларда ўлиб кетганлар.

Буларни эслашимиз шунинг учун ҳам зарурки, 1991 йил сентябрида миллий Истиқлолга эришган бизнинг авлодларимиз истибдод замонидаги ўша ғайриинсоний сиёсатнинг қатъий равишда рад этилиши — янги, инсонпарвар сиёсий тафаккурнинг туғилиши жуда катта тарихий воқеа эканлигини барча авлодлар яхши англаши зарур.

Эркин БОБОМУРОДОВ

Абдулла ТУРДИЕВ

ИСТИҚЛОЛГА

Ранглар Ватан айласин сизнинг жуфт қароғларни,
Кўрмайлик, дўстлар, асло бемаврид фироқларни.
Истиқлолга кўз тиккан йўллар турфа маъводан —
Кундай равшан кўргаймиз уфқи шан йироқларни.

Ҳумо юрти аҳлига аввало салом бўлсин,
Пойингизга поёндоз баҳорий олам бўлсин.
Шоирона эҳтиром — бу шеърий калом бўлсин —
Камалакдан олдим мен шеърга ранг-бўёқларни.

Юрак қайта тиклаган сўзлар бугун ифорли,
Ўзбекона туйғулар сарбаланд ва виқорли.
Меҳр ғунча очган дил — тўрт фасл ҳам баҳорли —
Булбулларнинг чаҳ-чаҳи ошён этсин боғларни.

Омон-омон замонлар лаҳзаларда, хайрият,
Алпомишнинг қудрати тиззаларда, хайрият.
Истиқлолнинг руҳи бор ларзаларда, хайрият —
Инқилобга менгзайман, алқисса, сабоқларни.

Дейдиларки, ҳассани ҳар ким бир бор йўқотгай,
Кимсалар бор — нобакор, ожизга ҳам ўқ отгай.
Тун кўрпаси сўкилиб, бир париваш тонг отгай —
Баҳор боғларга сочсин муаттар сабоҳларни.

Она сутидай оппоқ — Ўзбекистон омон юрт,
Ибтидодан интиҳо эзгуликка томон юрт.
Ойдин-ойдин йўлларда эли ўктам замон, юрт —
Кел, ўпиб қўй — Ой, Юлдуз акси бор байроқларни.

Бир фуқаро шоирман — дилга пайванд шеър бўлсин,
Ўзбегим фарзандлари белбоғи бор — эр бўлсин.
Ярқироқ ҳар пешона маржон-маржон тер бўлсин —
Кўзга айлаб тўтиё қўлдаги қадоқларни!

Кимки муносиб фарзанд — эҳтиром, сийлов бўлсин,
Яхшиликка дўсту ёр, ёмонликка ёв бўлсин.
Элим, юртим деганнинг уйига буғдой тўлсин —
Ёвуқ айла, азиз дўст, халқ учун узоқларни...

Ранглар Ватан айласин сизнинг жуфт қароғларни,
Кўрмайлик, дўстлар, асло бемаврид фироқларни.
Истиқлолга кўз тиккан йўллар турфа маъводан —
Кундай равшан кўргаймиз уфқи шан йироқларни!

АМИР ТЕМУРНИНГ ТАРИХДАГИ ЎРНИ

Тарихий манбаларда, хусусан Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Ҳофизи Абру, Муъиниддин Натанзий, Мирхонд ва бошқа муаррихларнинг асарларида келтирилган маълумотлардан кўринишича, XIV асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳр ва Туркистонда феодал тарқоқлик кучайди. Натижада мамлакат майда-майда мустақил бекликларга бўлиниб кетди. Масалан, Кеш (Шаҳрисабз) ва унга қарашли ерларда Ҳожи барлос, Хўжанд вилоятида — Боязид жалоир, Тошканд билан Сарипулда (Самарқанд вилоятининг бир қисмида) — Хизр Ясовурий, Хутталон (Хатлон)да — амир Кайхусрав, Кўҳистонда — амир Сотилмиш, Арҳанг саройда (Амударёнинг сўл соҳилида) — Ўлжой Аперди мустақиллик байроғини кўтариб, ўзларини ҳокими мутлақ, деб эълон қилдилар. Беклар, ўртасида ўзаро кураш кучайди, мамлакат қонли урушлар ва талон-торожга қолди.

Бу ҳам етмагандай 1360 йилнинг баҳорида Мўғулистон (Жете) хони Туғлуқ Темурхон (1348—1363) катта қўшин билан Мовароуннаҳр устига бостириб кирди. Элу улус яна мўғуллар асоратига тушиб қолди. Юқорида номлари тилга олинган беклар эса эл-улусни мўғуллар босқинидан ҳимоя қилишга қодир бўлолмадилар. Аксинча, уларнинг кўпчилиги юрти ва халқини ташлаб, тўғри келган тарафга қараб қочдилар. Қолганлари эса Туғлуқ Темурхоннинг хизматига ёлландилар.

Шундай оғир шароитда эл-юрт ташвишини Темур ўз елкасига олди ва қарийб ўн йил давом этган оғир курашлардан кейин мамлакатни мўғуллардан халос қилди. 1370—1380 йиллар орасида мамлакатни бирлаштириб, марказлашган йирик феодал давлатга асос солди...

Ҳазрат соҳибқирон аҳолидан солиқ ундириш тартибини ҳам қатъий белгилаб берди. Масалан, хирож (асосий даромад солиғи) ернинг шароитига қараб ва ҳосил йиғиштириб олингандан кейин ундирилган ва умумий ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида қилиб белгиланган. «...раиятдан хирож ундиришда, — деб ёзиб қўйилган давлатнинг асосий қонуни бўлмиш «Темур тузуклари»да, — уни оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқлантириб қўйишдан сақланиш зарур. Чунки, раиятни хонавайрон қилиш хазинанинг ғариб бўлиб қолишига олиб келади. Хазинанинг ғариблашиб қолиши бўлса, сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳнинг тарқалиб кетиши эса, ўз навбатида, салтанатнинг заифлашувига олиб келади».

Амир Темур мамлакатда қонун устуворлигини таъминлади. Ҳамма — вазир ҳам, амир ҳам, савдогар ҳам, оддий фуқаро ҳам ва ҳатто баланд мартабали шаҳзодалар ҳам — қонун олдида тенг бўлган. Ҳеч ким хизматига яраша тақдирланмай, ёки қилмишига яраша жазога тортилмай қолмаган. Бир-иккита мисол келтирамиз. Ғарбий Эрон ва Озарбойжонда ҳоким бўлиб турган амирзода Мироншоҳ (1393—1398) маишат ва ичкиликбозликка берилиб кетиб, давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйгани учун Темур уни жазога тортди ва мансабдан четлаштирди...

Мамлакатда ўрнатилган тинчлик ва барқарорлик, зироатчилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, илм-фан ва маданиятнинг ривожланишига замин яратди. Тез фурсат ичида Мовароуннаҳр иқтисоди, илм-фани ва маданияти ривож топган илғор мамлакатга айланди...

Амир Темур мамлакатда илм-фан тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг даврида илоҳиёт, фиқҳ (мусулмон қонунчилиги), риёзиёт (математика), фалакиёт (астрономия), тиббиёт (медицина), фалсафа, тарих, адабиёт, мусиқашунослик ва аруз (шеърият) илмлари кенг ривож топди. Шарафиддин Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ асарларида бу илмларнинг айрим йирик намояндалари ҳақида қисқа, лекин ўта қимматли маълумотлар келтирилган. Илоҳиёт олими Жалолиддин Аҳмад ал-Хоразмий (1427-28 й. вафот этган), фақиҳлар Абдумалик, Исомиддин ва Шайх Шамсиддин Жазоирий (1419 йили вафот топган), мунажжим мавлоно Аҳмад, мусиқашунослар Абдулқодир Мароғий, Сайфиддин ҳамда Ардашер Чангий, файласуфлар Саъдиддин Тафтазоний (1389 йил вафот этган) ва Мир Саид Шариф Журжоний (1339—1419), атоқли тарихшунослар Низомиддин Шомий ва Ҳофизи Абру (1430 йил вафот этган) шулар жумласидандир...

Ҳазрат соҳибқироннинг оғир ва хавф-хатар билан тўлиб-тошган ҳаёти ва улкан ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишга биз туркистонликлар энди астойдил киришаётирмиз. Бу буюк шахс ва унинг олтин даври ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш учун ҳали кўп иш қилишимиз зарур. Биринчи навбатда, Амир Темур ва темурийларга оид муҳим қўлёзма асарларни, шунингдек, Темур ва темурийларнинг Оврупо ва Шарқ мамлакатлари ҳукмдорлари билан ёзишмаларини тўплаш, уларни чуқур ва атрофлича ўрганиш ва тезроқ ўзбек ва Оврупо тилларига таржима қилиб, нашр эттириш зарур.

Бўрибой АҲМЕДОВ

«Мулоқот»га мактуб

ЎЗБЕКШУНОСЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Жаҳон тарихига назар ташлаб шу хулосага келдим. Боиси ҳар бир миллатнинг ўз равнақи, ўзлиги, ўз хусусиятлари, қолаверса ўз концепсия ва тамойиллари бўлиши шубҳасиз. Шундай экан, мустақил, ўзлигини ўзи таниб, англаб олаётган миллат, давлатлар жаҳонда икки мингдан ошади. Ниҳоятда тараққий этган давлатлар 50 га яқин бўлиб, уларнинг миллий равнақи, номланиши жаҳон тарихида алоҳида қайд қилинади. Хусусан, руслар, хитойлар, ҳиндлар, инглизлар, немислар, фаранглар, турклар, японлар, испанлар, араблар бўлиб, бу миллатларни ўрганадиган, жаҳон илм-фанига олиб чиққан ўнлаб ташкилотлар, муассасалар, жамоат марказлари мавжуд. Масалан, Германияда Гёте номида немис миллати ва тилини тарғиб-ташвиқ қилувчи йирик институт ишлаб турибди.

Нега ўзбек давлати ва унинг истиқболини ўрганувчи ўзбекшунослик фани йўналишини ташкил қилмаймиз? Бу халқ, миллатнинг тарихи жуда буюк. Жаҳоннинг деярли ҳамма қитъасида истиқомат қилади. Нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам ўзбекшунослик фани йўналишини ўрганадиган жамоат марказларини ташкил қилиш зарурати аллақачон етилган.

XX асрнинг 20-йилларида (1924 йил) Ўзбекистон ҳудудида, ўзбек миллати расман шаклланди. Оқибатда 1937 йилда талантли шоир ва драматург, истиқлолчи Абдулҳамид Мажидий томонидан «Ўзбекнома» чоп этилди. 20—30-йиллардаёқ ўзбек ва унинг истиқболи ҳақида алломаларимиз жуда кўп қайғуришди ва аламли орзулар билан, нидо билан яшаб ўтдилар. 1926—27 йиллардан ўлкамизда «Ўзбекларни ўрганиш» қўмитаси мавжуд бўлган. Бу қўмита топшириғи билан атоқли шоир ва драматург А. Фитрат «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» китобини ёзган ва нашр қилган. Сўнгги йилларда «Ўзбек адабиёти намуналари», «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба» китоблари ҳам шу қўмита фатвоси билан ёзилгандир.

Йигирманчи асрнинг 90-йилларига келиб ўзбек миллатининг обрўси, иззат-икроми жойига қўйилиб, эъзозланмоқда. Шундай экан, Истиқлолнинг 5 йиллиги ўзбек миллати, ўзбекистонликларнинг бахти, саодатини, орзу-умидларини эъзозламоқда, жаҳон халқлари тараққиёти сари юз тутаётир.

Табиийки, бугунги ривожланишнинг йўлбошчиси — ўзбек миллати ва уни ўрганиб, тарғиб, ташвиқ қиладиган ўзбекшунослик институти ёки илмий-маърифий марказ тузиш лозим ва шарт.

Халқаро туркий, хусусан ўзбек миллатини тадқиқ қиладиган 1991 йилда юртбошимиз ташаббуси билан тузилган «Эл» номли ташкилот мавжуд. Буни табриклаш керак. Бироқ аниқ ҳамда мақсадли иш олиб борадиган ўзбекшунослик фанининг асосий вазифасини шундай белгилардик:

— Миллат тарихи, шажараси ҳақида далилий маълумотлар, манбалар ва ҳужжатларни таҳлил қилган ҳолда ифода қилиш:

— «Ўзбек» атамаси ва унинг тарихий илдизлари тўғрисида илмий хулосаларни бериш;

— ўзбек миллатининг турк халқлари ўртасида тутган ўрни ва мавқеини кўрсатиш;

— Марказий Осиё ва МДҲ давлатлари билан ўзаро иқтисодий, маданий ҳамкорлик ҳамда ўзбек миллатининг ўзига хос ўзлигини ифодалаш;

— ўзбек миллатининг жаҳон халқлари билан байналмилал алоқалари;

— ўзбек миллий давлати ва унинг истиқболи ҳамда биринчи асосчиси Ислом Каримов таълимотини чуқур ўрганишдан иборат бўлиши керак.

Бу ўринда биз ўзбекшунослик фан йўналиши деганда жаҳон миқёсида халқаро майдонда иш олиб борадиган, йирик умумлашмаларни амалга оширадиган, элчихоналар, хорижий давлатлар, ахборот воситалари учун яхлит, ягона ва ҳақиқий бу ҳужжатларни тайёрлаб бера оладиган даргоҳ ҳақида фикр юритаяпмиз. Ўзбекшунослик фан йўналиши ТошДУ қошидаги «Ўзбек» маркази негизида ёки Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш Академиясида ташкил қилиниши мумкин. Фақат кичик бир лаборатория ёки бўлим шаклида эмас, балки беш-олти шўъбасига эга кичик мустақил институт ёки йирик марказ мақомида иш юритса мақсадга мувофиқ бўларди.

Карим НОРМАТОВ



ПАҲЛАВОН ВА МАҲВАШ

Бул ишлардан фориғ бўлиб, ул ҳазрат ижозат талаб қилдилар ва Ҳинд подшосининг тўйига бормоқни ирода қилдилар. Бу солиҳа мурид хотин уларни узатиб, бир оз йўл юриб, сўнг ижозат олди ва орқасига қайтди. Ул ҳазрат тиллоларни олиб, ғариб ва фақирларга улашиб, уларнинг кўнгилларини шод қилдилар. Сўнг бир қанча йўл юриб, Жунанинг тўйхонасига етиб бордилар. Қарасалар, етти иқлим подшоларининг ҳаммаси келибди. Ҳар бири ўз жойида базм қилиб, айш қадаҳини айлантириб, ишрат тузуб ўлтирибдилар. Жунанинг фаррошлари ҳар куни икки марта ерга мовут тўшар эканлар. Жарчи нидо қилиб: «Ҳар ким ўзи турган ернинг мовутини ўзи олсин!» деб овоз қиларди. Ҳар кимга бир кунда ўн газ мовут насиб этарди.

Ул ҳазрат Хоразмшоҳнинг боргоҳига бориб мулоқот қилдилар. Хоразмшоҳ:

— Эй паҳлавон, совуқ кунларда қаерларда юрган эдингиз? — деб сўради.

Ул ҳазрат ҳалиги аёл воқеасини баён қилдилар.

Ошмеҳтарлар бу ерда ҳар куни икки мартадан овқат берардилар. Ҳар бир одамга биттадан алоҳида товоқ қўяр эдилар. Товоқлар, айтиб ўтилгандек, ҳаммаси олтин ва кумушдан эди. Жарчилар:

— Ҳар ким ўзи еган товоқни ўзи олсин! — деб нидо қилишарди. Ҳар куни одамлар ўн сари оғирликдаги икки олтин ва кумуш товоқларни олишарди.

Жунанинг тўйига борган одамлар асло қашшоқликда қолмас эдилар. Қирқ кунгача шундай тўй берди. Қирқ биринчи куни:

—Эртага фалон маҳалладаги фалон мавзега кураш тамошосига боринглар. Ҳазрати Паҳлавоннинг курашини тамошо қилинглар, шоядки охират нажоти ва икки олам саодати бўлса, — деб бир жарчи жар солиб ўтиб кетди. Унинг орқасидан яна бир жарчи:

— Эй хевалик Паҳлавон, огоҳ бўлинг, эртага сизни курашга туширадилар! — деб қичқирди.

Хоразмшоҳ шунда ҳазрати Паҳлавонга қараб:

— Эй Паҳлавон, ғайрат қилиб курашда йиқитингиз, агар йиқилсангиз, хижолатга қолармиз, ҳамма хоразмликлар хижолатга ботарлар, — деб таъкид қилди.

Ул ҳазрат Хоразмшоҳга қараб:

— Эй шоҳи олам, вей султони бокарам, Расул алайҳис-салом: «Фа-изо таҳаййартум фи-л-умури фастаъину мин аҳли-л-қубури» дебдилар, бунинг маъноси шуки, ҳар ким бир ишда ҳайронликда қолса аҳли қубурни зиёрат қилсин, деганлар. Менга ижозат берсангиз, бу кеча бориб авлиёни зиёрат қилсам, — дедилар.

ПАҲЛАВОН ВА МОМО

Подшо ижозат берди. Шундан сўнг ул ҳазрат авлиёни зиёрат этгани бордилар. Қарасалар, одам кўп, ҳамма зиёратда экан. Вақт ярим кеча бўлганда, қарасалар, тўқсон ёшли дилшикаста ва бечора бир кампир ўзини авлиёнинг бўсағасига уриб, ҳалокатга етай деб турибди. Боши ёрилиб, жароҳат ва захмдор бўлибди. Хароб ҳолда ётибди. Сочлари қонга беланиб, тўзиб ётибди. Кампир ўликдек ётар, гоҳо нафас олса, гоҳо олмас эди. Ул ҳазратнинг бу момога кўп раҳмлари келди. Расул алайҳис-саломнинг бир ҳадислари ёдларига келди. Расул алайҳис-салом: «Ҳар ким бир ғамли кишини шод қилса, то қиёматгача аҳли авлоди билан ғамгин бўлмас, яна бир қул озод қилган билан баробар бўлар, яна жаннатга кирар» деган эдилар.

Ул ҳазрат шу момони шод қилай, деб ният қилдилар. «Агар қўлимдан келса момонинг ҳожатини чиқарайин» деб, ул момони турғизиб, марҳамат ва шафқат кўрсатдилар ва ундан:

— Эй момо, қандай мақсадда ўзингни бундай ҳалокатга солмоқдасан? — деб сўрадилар.

Момо бечора зор-зор йиғлаб:

— Эй яхши йигит, менинг эрим ўлиб кетиб, ўзим бева бўлиб қолганман. Ёлғизгина ўғлим бор, у ҳозир тўй бериб турган подшо Жунанинг паҳлавони. У етмиш минг Ҳинд шаҳристонида ягона паҳлавон ҳисобланади. Қаерда тўй ёки сайр бўлса подшонинг паҳлавони деб байроқни берар эдилар, биз эса уни нафақа қилиб ер эдик, бошқа касбимиз йўқ, — деди.

Кейин яна давом этиб:

—Эшитдимки, Хевадан бир забардаст паҳлавон келибди, ҳам ўзи авлиё экан, эртага у ўғлим билан кураш тушади. Ўзи авлиё бўлса ўғлимга омон бермас! —деб зор-зор йиғлади.

Шу пайтда ҳазрати Паҳлавон мана бу байтни марҳамат қилдилар:

Заргарбачае гуфт раҳи Милтонро,
Овард ба ман қоидаи султонро.
Ҳиммат ки ба мин ҳиммати ёрон ба ман,
Як жав нахарам Жунан Ҳиндистонро.

Давоми бор

ИСТИҚЛОЛГА БАҒИШЛОВ

Сўнг яна бир рубоийни марҳамат қилдиларким, мазмуни бундай эди: «Паҳлавон деб одамлар ундан манфаат кўрган кишига айтилади. Бировга зарар етказиб, уни касбу маошдан айриган киши паҳлавон эмасдур».

Ҳазрати Паҳлавон Хоразмий ул момога илтифот қилиб:

— Уйингга бориб, фароғат ва осойишта бўл, кўнглингни хотиржам тут, ўғлинг Хевадан келган паҳлавонни йиқади, сен байроқни олурсан! — деб йиқилмоқни ваъда қилдилар ва момони уйига жўнатдилар. Сўнг зиёратдан фориғ бўлиб, Хоразмшоҳнинг боргоҳига бордилар ва у билан мулоқот қилиб ўтирдилар.



Завқ...

Луис Бунюэл (1990-1983) — жаҳон киноси тарихида сюрреализмга асос солган энг йирик испан кино санъаткори ҳисобланади. Йигирмага яқин фильмнинг яралиш жараёнида режиссёр ассистенти, бадиий раҳбар, таржимон, артист, монтажчи ва ҳоказо вазифаларини бажарган ва шахсан ўзи ўттиздан ортиқ ноёб киноасарларини яратган Луис Бунюэл яна ўткир қалам соҳиби ҳамдир. Бунюэлнинг жозибага бой, ўз ижодига нисбатан муаллифлик изоҳлари вазифаларни ўтайдиган, шафқатсиз даражада очиқчасига ёзилган хотира асарлари бор. Ортига ўгирилиб, ўзининг машаққатли ва ғаройиб ижод йўлига разм соларкан: «Хотирадан маҳрум ҳаёт—ҳаёт эмас, ўзини ифода эта олмайдиган инсоний тафаккур — тафаккур эмас» — дейди у. Қуйида эътиборингизга «Сўнгги хўрсинишим» номли унинг хотира китобидан парчалар ҳавола этамиз.

Луис БУНЮЭЛ

СЎНГГИ ХЎРСИНИШИМ

ОРЗУЛАР ВА ТУШЛАР

Агар мендан: «Йигирма йиллик умринг қолди. Яшашинг керак бўлган ҳар бир кунинг йигирма тўрт соатини нимага сарфлардинг?» — деб сўрашса, «Менга икки соатдан фаол умр ва кейин қайта эслай олиш шарти билан, йигирма икки соатдан туш беринглар» — деб жавоб қилардим, чунки туш ўзини аллалаётган хотиранинг шарофати билан мавжуддир.

Тушлар жону дилим, ҳатто кўрқинчлилари ҳам. Улар енгиб ўтишимизга тўғри келадиган таниш ва эсга тушаверадиган тўсиқлар билан лиммо-лим. Лекин, бунинг менга аҳамияти йўқ.

Айнан тушларга бўлган телбавор меҳрим, улардан оладиган завқу шавқим, ортиқча уринишларсиз воқеаларни тушунишим менинг сюрреалистларга яқинлашувим сабабини ифодалайди...

Айтишларича, уйқудаги мия ташқи дунё тасъсиридан ҳоли дам олади, шовқинни, ҳидни, ёруғликни кам илғайди. Бироқ у ички ҳужумларга, тўлқинлари устига ёпириладиган тушлар бўронига йўлиқишга мойил. Миллиардлаб-миллиардлаб образлар ҳар кечаси туғиладилар, кейин заминни унутилган тушлар кўрпасига буркаш учун ҳар тарафга сочилиб кетадилар. Ҳамма нарса, мутлақо ҳамма нарса ўша ёки бошқа кечада мияда туғиладилар, кейин эса унутилади...

Уйғоқ одамнинг орзулари ҳам уларникидан қолишмайдиган даражада кучга эга бўлади — улар қанчалик ғаройиб бўла олсалар, шунчалик аҳамиятга ҳам эгадирлар. Бутун умрим бўйи мен, кўплар қатори, ўзгармас бир ҳайрат билан ўзимни тутқич бермас ва кўринмас деб ҳаёл қилиб келдим. Бу мўъжиза мени дунёдаги энг қудратли ва енгилмас одамга айлантирди. Шунақа фантазияларнинг турли хиллари мени бутун иккинчи жаҳон уруши мобайнида таъқиб этиб келди. Одатда уларда ултиматум ҳақида гап борарди. Менинг кўринмас қўлим Гитлерга у имзо чекадиган Геринг, Геббелс ва бутун тўдани 24 соат ичида отиб ташлаш ҳақидаги қоғозни узатарди. Акс ҳолда унинг ҳолига вой эди. Гитлер ёрдамчисини чақирар ва: «Бу қоғозни ким олиб келди?» — деб қичқирарди. Кўринмас ҳолда, кабинетнинг бурчагида ўтириб, мен унинг ожизона ғазабланиши гувоҳи бўлардим. Эртасига, дейлик, менинг ўзим Геббелсни ўлдирардим. Сўнг эса, ҳар ерда ҳозиру нозир кўринмас одамларга хос тарзда, Римда пайдо бўлардим ва Муссолини билан ўша ишни такрорлардим. Бу орада мен гўзал бир аёлнинг хобгоҳига кирардим ва унинг қандай ечинаётганини томоша қилардим. Кейин ултиматумни кўтариб титроқ босган фюрер олдига қайтардим...

«АНДАЛУЗ КЎППАГИ»

Бу фильм икки тушнинг тўқнашуви натижасида дунёга келди. Бир неча кунга Фигаресга, Салвадор Далиникига меҳмонга келиб, мен унга яқинда кўрган тушимни — булут ой бетини қоқ иккига бўлиб юборгани, устара эса кўз қорачиғини кесгани ҳақида гапириб бердим. Ўз навбатида у менга, ўтган кечаси устини чумоли қоплаган қўл тушига кирганини айтди ва: «Хўш, шундан келиб чиқиб, фильм қилсак нима бўлади?» — деб қолди.

Аввалига унинг таклифи мени унчалик қизиктирмади. Лекин, кўп ўтмай Фигареесда биз ишга киришдик.

Сенарий бир ҳафтага қолмай ёзилди. Ўзаро келишувга асосан, биз оддий бир қоидага риоя қилдик: соф рационал, лсихологик ёки маданий изоҳ талаб қиладиган нарсаларга чалғимаслик. Иррационалликка йўл очиш. Моҳиятдан қатъий назр, фақатгина бизни ҳайратга солган нарсаларгина эътиборга олинди.

Орамизда ҳеч бир келишмовчилик чиқмади. Бир ҳафталик ҳавас қилса арзигулик ўзаро ҳамкорлик. Биримиз, дейлик: «Одам контрабас судраяпти» — деймиз. «Йўқ» — деймиз иккинчимиз ва ўша заҳоти эътироз асосли деб қабул қилинади. Биримизнинг таклифимиз иккинчимизга ёққан тақдирда эса, у бизга ажойиб, шубҳалардан холи бўлиб туюлдади ва зудлик билан сенарийга киритилади.

Сенарийни тугатиб, мен тушундимки, бу бутунлай бошқача, ҳижолатга қўядиган филм бўлади. Ҳеч бир кампания бунақа нарсани суратга олишга ҳомийлик қилмаслиги турган гап эди. Шунда мен онамга, ўзим продюсерлик қиламан деб пул сўраб мурожаат қилдим. Таниш нотариусим керакли миқдорда пул беришга онамни кўндирди.

Мен Парижга қайтдим. Онам берган пулларнинг ярмини кечалари вақтихушлик қиладиган қовоҳоналаримда сарфлаб қўйиб, ниҳоят иш бошлашим зарурлигини тушундим. Актерлар Пьер Бачев, Симона Маря, оператор Дюверже ва филм икки ҳафтада суратга олинган «Бийанкур» студиясининг раҳбарлари билан учрашдим.

Биз суратга олиш майдончасида беш ёки олти киши эдик. Актерлар менинг кўрсатмаларимни мутлақо тушунишмасди. Мен, дейлик, Бачевга: «Деразага қара, сен гўё Вагнерни тинглаяпсан. Яна тантанавор ҳолда» — дердим. Лекин, у ўзида ўша зарур кайфиятни уйғота оладиган ҳеч нимани кўрмасди. Мен унгача маълум техник билимга эга эдим ва оператор Дюверже билан бемалол ишладим.

Дали суратга олиш жараёни тугашига уч ёки тўрт кун қолгандагина келди... Охирги суратга олиш куни Гаврда у биз билан бирга эди.

Филмни тугатиб, монтаж қилгач, биз уни нима қилиш кераклиги устида бош қотирдик. Бир куни киночилар уйида «Андалуз кўппаги» ҳақида эшитган «Кайе д,ар» ходими Териад, мени Ман Рейга таништирди. Айни ўша пайтда у Ноайлелар қароргоҳида «Де қасрининг сирлари» номли (Ноайлеларнинг насаби ва меҳмонлари ҳақидаги ҳужжатли) филмни суратга олган эди.

Ман Рей бир неча кундан кейин (бундан икки йил муқаддам очилган) «Ла Купол» барига учрашув тайин қилди ва мени Луи Арагонга таништирди. Арагон мендан уч ёш катта эди ва ўзини соф французларга хос назокат билан тутарди. Гап орасида мен унга филмни қайсидир маънода бемалол сюрреал деб ҳисоблаш мумкинлигини айтдим. Эртаси куни улар Ман Рей билан «Стюдио дез юрсюлин» да филмни томоша қилишди ва ишончга тўлиб уни тезда томошабинларга кўрсатиш, премьера ташкил этиш кераклигини айтишди.

Сюрреализм, аввало АҚШ, Германия, Испания ва Югославиядаги инстинктив ва иррационал ифода фоиталарини истифода этиб улгурганлар эшитаётган ўзига хос даъват эди. Сюрреализм ҳақида эшитмасдан туриб мен Испанияда чоп эттирган поэмалар, — барчамизни Парижга етаклаётган ўша даъватдан далолат эди. Дали иккимиз «Андалуз кўппаги» устида ишлаётиб, ўзига хос «автоматик хат»дан фойдаландик. Яъни ўзимизни сюрреалист деб атамай туриб, аслида биз сюрреалист бўлиб улгурган эдик.



Нимадир, ҳалигиндай, аллақачон ҳавода оқиб юрарди. Шахсан мен учун мазкур гуруҳ билан кечган учрашув муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва қолган бутун умрим йўналишини белгилаб берганлигини дарҳол айтгим келди.

Бу учрашув Блажи майдонидаги ҳар куни гуруҳ йиғиладиган «Сирано» кафесида бўлиб ўтди. Арагон ва Ман Рей билан танишиб улгурандим. Менга Макс Эрнст, Андре Бретон, Пол Элюар, Тристан Тцара, Рена Шар, Пьер Юник, Танги, Жан Арп, Максим Александр, Магриттни, — яъни ўша кезлари Бразилияда бўлган Бенжамен Передан бошқа ҳаммани таништиришди. Улар қўлимни дўстона сиқиб, мени вино билан меҳмон қилишди. Арагон ва Ман Рей мақтаётган менинг фильмим премьерасига келишга ваъда беришди.

Премьера тўлов чипталари бўйича «Студио дез юрсюлин»да ўтказилди ва «Парижнинг фахри» ҳисобланувчи ҳамма — аристократлар, ёзувчилар, машҳур мусаввир (Пикассо, Ле Карбюзе, Кокто, Кристиан Берар)лар, композитор Жорж Орикларни жамлади. Сюрреалистлар гуруҳи тўлиқ ҳолда келди...

Ўрисчадан Бахтиёр АҲМЕДОВ таржимаси.

ҲАҚҚА СОДИҚ КЎНГИЛ

Мазкур шеърий тўплам муаллифи билан учрашганда, унинг суҳбатида ажойиб бир самимийлик, шеъру шоирларга нисбатан чуқур ихлос ва муҳаббат сездим.

Суҳбатдошим шеър ҳақида тўлқинланиб гапирган чоғда, улуғ шоирларга қандайдир бир «ишроқ» ва «илҳом» эгалари сифатида баҳо берарди.

Лекин «илҳом» ўзи нима? Бу ҳақда фикрлар кўп. Мен ҳам шеър тўғрисида сўзламоқчи бўла туриб, икки оғиз илҳом нималиги борасида фикр юритсам.

Тадқиқотчилар илҳомни, шоирларда бўладиган бир руҳий ҳодиса ва баъзилари шоирона тажриба деб баҳо берганлар. Артур Рембонинг бир қарашича, инсон шеър ёзиш чоғида ўзидан чиқиб бошқа бир кишига айланади, яъни беҳудлик даражасига етиб боради. Балки бу тўғридир. Мисол учун машҳур шайх Мансур Ҳалложни кўрсатиш мумкин. У, яратувчига ўхшаш бир «ҳувият» (ўзлик) топиб, бир мансурлигини унутган эди. Рембо фикрича, бундай аҳволда, инсон ўз исми, шахсияти ва унга хос бўлган нарсаларни қўлдан бериб, бир маънавият ёки бир куч эгаси терисига кириб, шеър айта бошлайди.

Бундай аҳволда инсон нега ўзгаради? Тадқиқотчилар фикрича, бунинг сабаби шундаки, илҳом деб аталган руҳий ҳодиса ёки бирданига юз берган сакраш, унинг вужудини бутунлай қамраб олиб, ижод оламига йўллайди.

Ризо Бароҳаний, илҳом бир навъ руҳий ўринда бўлиш (руҳий мавқеият) ва руҳий ҳаракат бўлиб, шоирдан барча ташқи дунё ва ўзининг ички ва ташқи шароити (объектив ўрни ва субъектив борлиғи)дан воз кечиб, тезликда ўз руҳи билан алоқада бўлишни талаб қилади, дейди. Шунда шоир ўзига хос қандайдир бир тинчлик ва оромга дуч келади. Маретин ушбу ҳолатни қалб ва томирларнинг «инқибози» (қисилиши, сиқилиши, кичик бўлиши) деб атаган эди. Ўшанда инсон ўз ички дунёсига хотиржамлик билан мурожаат қилишга қодир бўлади. Бу оромлик дангасалик ва коҳилликдан келиб чиқмайди, балки ўшанда шоирнинг барча сезгилари, онги ва руҳи, тайёр бўлиб туришга чақирилади. Албатта, қалб ва томирларнинг инқибозидан кейин; «инбисот» (очилиш, кенгайиш) даври ҳам келади. Маретин ифодасига кўра ўшанда руҳ бир чуқур нафас тортиб, ундан кейин, шоир, уни бир куйдирувчи ўт мажбур қилгандек, сўзларни бирин-кетин тўка бошлайди. Маретин чуқур текширишдан кейин қуйидаги хулосага келади: шеър ва ҳар бир буюк асар учун, илҳомдан кўра воқеийроқ ва кераклироқ нарса йўқдир

Шоир илҳом чоғида «ҳис» (сезги) ва руҳ орасидаги фосилани, ўзининг барча кучи билан йилдиримдек тезликда босиб ўтса ҳам, у, сезги, тахаййул, тасаввур, ва ўйлаш босқичларидан ўтгандек сезилади. У, кўзни юмиб-очгунча, бутун вужуди билан руҳ дарёсида ғарқ бўлгандек бўлади.

Бароҳаний фикрича, албатта илҳом учун моддий ва физик ташқи манбалар ҳам керак бўлмаганда, инсон хоҳлаган чоғда илҳомланиб турарди. Шоир кутилмаган бир сўздан, кутилмаган бир учрашувдан ёки бошқа бир ҳар қандай кутилмаган ҳодисадан илҳом ҳолатига тушиши мумкин.

Баъзилар, масалан, ўтган аср франг шоири Шарл Бодлер шоирона машқу такрорни ижод учун етарли асос бўла олади деб биларди. Дилан Томас эса илҳомни шеърият қаламравидан чиқармоқчи бўлган эди, лекин сурреалистлар уни ижоднинг асоси деб биларди.

Ҳар бир садо, ҳар бир ҳарф ва сўз ҳар қандай бир ҳолат ва хотира, шоир учун туртки кучига эга бўлса, унга шеър яратиш имкониятини беради. Инглиз шоири Вилям Блейк сўзи билан айтганда, ҳеч қандай истисносиз, ҳар бир нарса илҳом манбаи бўлиши мумкин. Лекин ундан олдин «идрок дариچалари покиза бўлиши керак».

Шеър ёзиш учун фақатгина илҳомланиш етарли эмас. Шоир табиий истеъдодга ва бу истеъдоддан фойдаланиш малакасига эга бўлиши зарур. Истеъдод эгаси бўла туриб, ифода воситаси бўлмиш тилни яхши ўзлаштирмаган ва бадиий ифодалаш йўлларини билмаган киши, бадиий ижод даражасига кўтарила ололмайди.

Шеър ёзиш ва ижод қилиш истеъдоди бир илоҳий атиядир. Сезгир қалб, нозик тахаййул ва кучли тасаввурга эга бўлиб, ўз туйғуларини бадиий услубда баён этиш имкониятига эга киши, шеърият қаламравига қадам боса олади.

Ўзбекистон мустақиллик буюк неъматини қўлга киритгандан кейин барча илму фан соҳалари, айниқса санъат ва адабиёт соҳасида катта имкониятлар юзага келиб, истеъдодлар парвозига майдон очилди. Кўплаб китоблар чиқиб турибдики, уларни кўриб қувонасан киши.

Яқинда шу кунларда чиққан «Ҳаққа содиқлик» деб аталган шеърий китобчани ўқиб, муаллиф қалбидан тошиб чиққан эзгу истаклар, самимий туйғулар билан танишиб хурсанд бўлдим.

Ушбу мажмуа Умрбоқий (Баҳодир Умрзоқов) қаламига мансуб бўлиб, «Чўлпон» нашриётида босилган.

Умрбоқийнинг шеърлари тўплами шоирнинг руҳий кечинмалари, қалбидаги шоирона ҳис-ҳаяжонларини акс эттиради. Шеърлар бизни тасаввур қаноти кенг бир шоир билан ошно этади.

Ёш шоир қийинчиликларга дуч келганда ҳам ўз йўлидан қайтмайдиган, умид нурига қараб интиладиган, карвон билан баробар одимлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кишиларни ёқтиради. Шеърларида шундай собир, матонатли одамлар номидан сўйлаётгандай бўлади.

Умрбоқий ўз дуторини халқ армонларини куйлашга, сахроларда йўлиқадиган саробларни ўз афсункор овози билан енгиб ўтишга чақиради. У халқ хизматида туриб, эзгу ишларга бел боғлайди.

Шоир дунёнинг кўп мамлакатларида бўлиб, жаннат мисол ўлкалардан ўтиб, халқлари ҳаёти билан танишган бўлса ҳам, лекин ҳеч ерда ўз ватанидек гўзал ерни топа олмайди. У ҳар бир шеърини ватанпарвар инсон мақомида туриб ёзади.

Шуни айтиш керакки, шоирнинг қалби турли кечинмалар билан тўлиб-тошган, лекин бундай кечинмаларни тўлиқ, ёрқин ифодалаш учун ҳар доим ҳам бадиий гўзал сўзлар, иборалар топа билмайди. Умид қиламизки, унинг шеърга муҳаббати бу каби камчиликни енгиб ўтади.

Биз сезгир кўнгил эгаси, дўстимиз Умрбоқийни унинг шеърий тўплами нашри билан табриклаб, бундан кейинги ижодий ишларига қут ва барака тилаймиз. Тўрт қатор шоир сўзи:

Сен кетдинг сен билан орзулар кетди,
Мен келдим мен билан армонлар қолди.
Қайсарлигим нетай бошимга етди,
Изингга термилиб кўзларим толди.

Абдулҳаким Шаръий
ЖУЗЖОНИЙ

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0468.
3526 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6